

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛТЕТИ ИНГЛИЗ
АДАБИЕТИ КАФЕДРАСИ
САЙИДОВА ШАХРИЗОДА**

**МАВЗУ: Фенимор Купер асарлари таржималарида услубий
воситаларнинг берилиши муаммоси**

**5A220101 – Адабиётшунослик (инглиз)магистрлик даражасини
олиш учун тақдим этилди**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доцент М.Сулаймонов

БУХОРО-2011

ФЕНИМОР КУПЕР АСАРЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИДА УСЛУБИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ МУАММОСИ

МУНДАРИЖА

Кириш.

I боб. XIX асрда Америка адабиетидаги ахвол ва Купернинг хаёти ва ижодий фаолияти

1.1 XIX асрда Америка адабиетидаги ахвол

1.2 Фенимор Купер хаёти ва ижодий фаолияти

II боб. Фенимор Купер асарлари таржималарида услубий воситаларнинг берилиши

2.1 Стилистика ва киесий стилистика тушунчалари

2.2. Услубий воситалар ва уларнинг кулланилиши

2.3 Купер асарлари таржималарида услубий воситаларининг берилиши муаммоси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Мавзунинг умумий тавсифи ва долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгач, нафакат ўзбек тилини чуқур ва пухта ўрганиш, балки хорижий тилларнинг конункоидаларини ҳам ўзлаштириш имконияти вужудга келди. Айниқса ДТС талабларига асосан тилларни киёсий ўрганиш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тил бирликларидаги услубий воситаларни билиш, уларга хос хусусиятларини аниқлаш ва бундай маъноларни таржимада бериш муҳим аҳамиятга эга.

Охириги ўн беш йил ичида Республикада ижтимоий ҳаёт, давлат сиёсати, маданият кескин ўзгарди, ҳамма соҳага янгича ёндашиш, шу билан бирга фан, техникани жадал ривожлантириш талаб қилинмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси мустакил давлатлар қаторига ўтди, энди унинг давлат базасини юксалтириш ва янада бойитиш жуда муҳимдир.

И.А.Каримов шундай деган эди: "...ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда қатта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун хорижий тилларни муқаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқ".[1,1,25]

“Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек болалари чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол қиришиши учун имкониятларни тўлиқ очиқ беришимиз даркор”.[1,1,27]

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак”. Ўзбекистон Республикаси мустакил давлат бўлиб, уни ҳозир 120 дан ортиқ давлатлар тан олди, таниди. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари АКШ, Англия, Япония, Германия ва Италия каби мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, маданий, савдо каби алоқаларни йўлга қўймоқда.

Келтирилган И.А.Каримов сўзидан дарсликлар, кўлланмалар, лугат ва методика каби фанларда асос сифатида кулланилган. Бу дегани чет тилларни ўрганиш учун ўқув куролларини, кадрларни тайёрлаш демакдир.

Тилни чуқур ва мукаммал билиш мазкур мақсадларни амалга оширишдаги қадамлардан биридир. Шунинг учун биз ёшлар хорижий тилларни яхши эгаллаш, унинг сирли, ички кийинчиликларини билиб олиш мақсадида илмий ишлар олиб бориб, замонга мос, ўзимизга маъқул томонларини қабул қилиб олиб, халқ хўжалигимизга татбиқ қилишимиз зарурдир.[1,2,16]

Биздан ҳозир ватан шуни кутмоқдаки, уни бажариш учун ҳар бир ёш бел боғлаб, ўз ҳиссасини қўшиши учун ҳаракат қилмоғи керак. Шундан келиб чиқиб илмий иш олиб бориш муҳим эканлигини англаб етамиз. Ана шу мақсадда ёшларимиз илмий иш, малакавий битирув иши, магистрлик диссертацияси, номзодлик, докторлик диссертациялари ёқлайдилар, кўлланмалар ва ҳатто дарсликлар ёзадилар.

Бизнинг магистрлик диссертациямиз мавзуси Америкалик машҳур ёзувчи Фенимор Купернинг асарлари таржималарида услубий воситаларнинг берилишига бағишланган. Купернинг асарлари асосан Америка маҳаллий аҳолиси ҳаётига ва уларнинг келгинди оқ танлилар билан бўлган муносабатларини ёритишга қаратилгандир. Унинг қахрамонлари ҳам Америка маҳаллий аҳоли вакиллари, ҳам келгинди оқ танлилар бўлиб, у улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва ўша давр жамиятининг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини жуда яхши тасвирлай олган.

Купер ўша даврни кўз олдимишга келтиришимиз учун турли хил услубий воситалардан жуда моҳирлик билан фойдаланган. Шу услубий воситаларнинг таржималарда берилишини ўрганиш эса мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Ишнинг ўрганилиш даражаси

Таржиманинг вазифаси асл нусха мазмунини, унинг стилистик, экспрессив стилистик хусусиятларини саклаган холда иккинчи бир воситаси билан қайта тиклашдан иборатдир. Таржима тилида яратилган матн асл нусха тилидаги маънога мос келиши керак.

Таржимонга шундай катъий талаб қўйилар экан, таржимон ҳам бундай масъулиятни хис қилиши керак. Таржима қилиш қиёслаш натижаси бўлиб, ёш таржимон ҳар икки тил морфологик структурасини, синтактик қурилмаларини, лексик воситаларини ва стилистик сайқаллантириш методлари билан яқиндан танишиб, машқ қилиб бориши жуда муҳимдир.

Магистирлик диссертатсиясини тайёрлашда хорижий мамлакатлар адабиёти бўйича дарслик қўлланмалар, адабиёт назарияси ҳақидаги илмий ишлар ва таржима назариясига оид монография ва рисолалардан, электрон адабиётлар, интернет маълумотлари ва бир неча турдаги лугатладран фойдаланилди.

Қиёсий стилистика фанини яратишда проф.Л.В.Шерба, академик В.В.Виноградов, проф.А.М. Пешковский, Шарл Балли ҳамда кейинги пайтда стилистикани таржима назариясига тадбиқ этиш соҳасида Жорж Мунен, проф.А.В.Федоров ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

Америка адабиётидаги романтисизм оқимининг йирик вакили Фенимор Купернинг ҳаёт ва ижод йўли жуда қўп давлатларда бир неча бор тадқиқ қилинган. Унинг ижоди ўзбек олимлари томонидан ҳам анча ўрганилган. Фенимор Купер асарларининг ўзбек тилидаги таржималарида стилистик воситаларнинг берилиши эса эндиликда ўрганилмода.

Ўзбек китобхонлари Фенимор Купер асарларини севиб ўқишади. Бизнинг асосий мақсадимиз, Купер асарларини батафсил ўрганиб чиқиб, унда қаҳрамонларни, Америка маҳаллий аҳолиси ҳаёти ва уларнинг оқ танлилар

билан муносабатларини, ўша давр мухити ва табиати кабиларни тасвирлашда кўлланган услубий воситаларнинг таржимада қай усуллар билан берилганини аниқлаб таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Бу шундан иборатки, биз авваламбор ўз олдимизга қўйган мақсадимизга йетмоғимиз керак. Бу ишимизда Фенимор Купер ижодий фаолияти ва унинг асарларида кўлланилган услубий воситалар ва шу услубий воситаларнинг ўзбек тилидаги таржималарида қай тарзда берилганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш масад қилиб қўйилган.

Буларни амалга ошириш учун бир неча вазифаларни бажаришни ўз олдимизга белгилаб қўйганмиз:

- Купер яшаб ўтган даврдаги Америкадаги ижтимоий ҳаёт билан яқиндан танишиш;
- Фенимор Купер ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида хабардор бўлиш;
- Америка адабиётида Купер ижодининг ўрни ва ахамияти ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- Купер асарларида кўлланган услубий воситаларни аниқлаш ва уларни классификация қилиш;
- Унинг асарлари таржималарида услубий воситаларнинг берилишни таҳлил қилиш, икки тилда берилишини қиёслаб ўрганиш.

Ишнинг назарий ва амалий ахамияти

Ишнинг назарий ахамияти шундан иборатки, Америка адабиётида Фенимор Купер ижодининг ўрнини ўрганиб, унинг асарлари гоёсини умумлаштиришдир. Унинг асарларидаги услубий воситаларнинг таржимада берилишини таҳлил қилиб хулоса чиқариш эса ишнинг марказий қисми ҳисобланади.

Купер асарларида кўлланган стилистик воситалар ва бошқа тўпланган маълумотлар Америка адабиёти дарсларида, стилистика фани, қиёсий

таржима назарияси, таржима назарияси ва амалий кўлланмалар тузиш учун, семинар дарсларида фойдаланилиши мумкин. Булар эса ишнинг амалий ахамиятини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Америкалик ёзувчи Фенимор Купернинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари олинди ва улардаги услубий воситаларнинг таржималарини таҳлил қилиб хулоса чиқариш ишнинг назарий ахамиятини кўрсатади

Тадқиқотнинг методологик ва илмий назарий асослари

Ишнинг илмий методологияси ва назарий асоси қилиб, президент И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси “Таълим Тўғрисидаги қонуни” ва “Қадарлар тайёрлаш тўғрисида “ ги миллий дастури асосий метод Дарслик ва кўлланмалардан “Зарубежная Литература (19 века)”, “Зарубежная литература, 18 век”, Азизов К., Каюмов О “Чет ел адабиёти тарихи”, “ Reading from American literature”, “World book encyclopedia”, Марк Твеннинг “ Literary offences of James Fenimore Cooper” Булардан ташқари адабиёт тарихи, таржима назариясига оид кўпгина рус ва ўзбек олимлари назарий асарлари материал сифатида фойдаланилди.

ология сифатида дастурамал вазифасини ўтади.

Булардан ташқари Чет эл адабиёти дарслик кўлланмалари, Фенимор Купер ижодига тегишли илмий ҳамда таржима назариясига оид илмий монография, рисола қабилар ҳам назарий асос қилиб олинди.

Ишнинг синалганлиги (апробацияси)

Магистратура диссертацияси мавзуси “Инглиз филологияси “кафедрасида муҳокамага қўйилганда, диссертация материалларининг мақолалар тўпламида чоп этилиши ва университетнинг илмий-назарий анжуманида жамоатчиликка билдирилган. Илмий жамоатчилик мавзу материаллари билан умуман хабардор ва уларга маъқул тушган.

Тадкикотнинг хажми ва тузилиши

Магистрлик диссертациямиз кириш яъни умумий тавсифи, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Хар бир боб эса бир неча қисмларга бўлинган ва улар алоҳида сарлавхалар билан берилган.

Биз қуйида уларни навбат билан баён қиламиз. Хар бир боб мавзусини, гоёларни мисоллар билан исботлаймиз ва бу ишнинг яхлит яқунланишини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

I боб.

XIX асрда Америка адабиетидаги ахвол ва Купернинг хаёти ва ижодий фаолияти

1.1 XIX асрда Америка адабиетидаги ахвол.

Бу давр Америка адабиётининг кузга курунган романтик ёзувчилари Вашингтон Ирвинг ва Фенимор Купер эдилар. Улар уз ижодларида XIX асрнинг бошларидаги Америка жамияти хаётининг характерли хусусиятларини ифодалаб бердилар. [II,11,123]

Бу даврда романтизм ижодий методи хам тарихий-зарурий эҳтиёж натижасида юзага келди. Бунинг мухим сабабларидан бири шундаки, ёзувчилар ўзлари яшаб турган хаётдан, турмушдан норози бўла бошлайдилар. Натижада, улар асарларида ўзлари орзу қилган нарсаларни идеаллаштириб тасвирлашга тиришадилар. [II,50,87]

Романтик ёзувчилар яратган образлар бутунлай хаёт хақиқатидан узок, ундан ажралиб қолмаган бўлса хам, бироқ бу образлар бевосита хаётий хақиқатнинг бадиий хақиқатга айланган образи бўлмай, балки улар орзу қилган хаётнинг инъикосидан иборат. Шунинг хам айтиб ўтиш керакки, романтизм хам тарихий шарт-шароит тақозосига кўра, ўз тарақиётининг турли босқичларида турлича характер касб этди ва ўз навбатида янги тугилиб келаётган ижодий методга – реализмга турлича муносабатда бўлди. Чунки романтизм ўз характерига кўра уч хилдир:

- а) илгор ижтимоий идеалларни эмас, балки умри тугаб бораётган, жамиятнинг олға харакат қилишига гав бўлган нарсаларни идеаллаштирувчи реакцион романтизм. Бундай романтизм М.Горкий таъбири билан айтганда, пассив романтизмдир. Айрим ёзувчилар ижодида бундай романтизм яққол кўзга ташланади;
- б) тарихнинг илгор тенденциясини идеаллаштирувчи, жамиятнинг олға харакат олишига ёрдам берувчи прогрессив романтизм;

с) жамиятни революцион асосда янгилаш масадини илгари сурувчи, революцион гоаяларни таргиб этувчи революцион романтизм бўлиб, у прогрессив романтизмнинг энг юкори кўринишидир.[И.50,282-283]

Бу окимнинг бош хислати “ идеалга мослаб хаётни кайта яратиш “дир, яъни орзу килинган воеликни тасвирлаш, уни гўзал ва мукаммал хаёт тарзида кўрсатиш; ана шу хаёт кахрамонларининг афсонавий куч-кудратга эгалигини, мўжизакорлигини идеаллаштиришдир дейди Белинский ўзининг “Поезиянинг хил ва турларга бўлиниши” асарида.

Инсонийликни улуглаш, эзгуликни куйлаш, мухаббат ва садокатни юксак даражада мадх этиш, унга ишонтириш романтизмнинг энг характерли аломатидир. Унда хаётни жудаям кўтаринки рухда, сержило бўёкларга бой тарзда, ёрин ва нозик ифода этиш хислатга айланади ва бу хислат китобхон калбини ларзага солади.[И.14.137]

Романтик методнинг асосий хусусиятларидан яна бири хар кандай жамият (кулдорлик, феодализм, капитализм, социализм) нинг инсопарварликка карши гоаясини доимо фош этиш ва коралашдир. Ижодда ва хаётда эркинлик, шахс озодлиги ва комиллиги учун курашдир. Бу хусусият хамма романтик ижодкорлар фаолиятида пафос даражасига кўтарилган.[И.50.284]

Н.Шукуров ва бошкаларнинг “ Адабиётшуносликка кириш “ китобида романтизмга куйидагича таъриф берилган: романтизм – Вокеликни акс эттиришнинг ўзига хос ижодий методидир. Романтизмда хаёт вокеаларини ўз формасида тасвирлаш принсипи эмас, балки ёзувчи идеалига мос келадиган хаёлий образлар, хаёлий вокеалар яратиш принсипи хукмрон бўлади. Романтизм ёзувчининг хаёт хакидаги идеалларини кўпрок умумлаштиради. Бу метод асосида яратилган асарларидаги кахрамонларнинг аксарияти гайри табиий, мўжизавий куч-удрат эгаси килиб тасвирланади.

Америка адабиётидаги романтизм 1775—1783 йилларда Кушма Штатларда юз берган революция туфайли майдонга келади. Европа мамлакатлари адабиётига таъсир курсатгани каби француз буржуа

революцияси (1789—1794) АКШ адабиётида романтизм йуналишининг келиб чиқишига туртки булади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Америка Кушма Штатлари уз мустакиллиги учун курашда галабани кулга киритдилар. Гарчи бу мустакиллик халк оммасининг иштироки оркали амалга ошган булсада, халкнинг узи бундан бахраманд була олмади. Галабанинг натижаларидан йирик саноатчилар, ер эгалари фойдаландилар. [II,11,123]

Бундан ташқари, Кушма Штатларда кулчилик сиёсати масаласи хали узил-кесил хал қилинмаган эди. Бу масала XIX асрда ҳам барчанинг диққатини тортган масала булиб қолаверди. Шунинг учун Америка адабиётидаги романтизм XIX асрнинг биринчи ярмидаги ана шу мураккаб қарама-қаршиликларни узида акс эттирди.

Агар Америка Кушма Штатларининг Шимолий қисмида саноат ишлаб чиқариши тез тараккий қилиб кетган булса, жанубда хали кулчилик сақланиб қолмоқда эди. Шимол билан жанубнинг манфаатлари бир-бирига зид булиб, бу тез-тез тукнашувларга олиб келди. Катта-катта ер майдонларини кулга қиритиш учун Америка Кушма Штатларидаги тургун халқ — Америка индеецлари билан тухтовсиз уруш давом этди. Натижада индеец қабилалари шафқатсизлик билан қириб ташланди. Ана шу мавзу жуда қуп Америка ёзувчилари, жумладан Фенимор Купер ижодида, уз аксини топди.

АКШдаги реал ҳаёт манзараси буржуа инқилоби эълон қилган озодлик, тенглик ҳамда бахтга интилиш тушунчалари билан зид қилиб қолди. Натижада Америка романтизм адабиёти реал ҳаётдан четга чиқиб, мавҳум идеалларни акс эттирди. Бу адабиёт буржуа тузуми системасига зид қилиб, индеецларнинг пок, соғлом, одил турмуш тарзини қуйлади ёки романтик ҳаёл оғушига қумиб, идеал булган юксак, ақл қучига таянган тузумни орзу қилди.[II.4.68-69]

Бу даврда Купер билан замондош булган, Америка Кушма Штатлари адабиётида романтизмнинг дастлабки намояндаси Вашингтон Ирвинг ҳам бор эди. У 1783 йилда Нью-Йоркда тугилди.

Унинг отаси йирик коммерсант булиб, углега хукук билимини бермокчи эди, Аммо Ирвинг денгиз, саёхат ва сафарлар тугрисида уйлайди. Вашингтон Ирвинг ёшлигидан китобга кизикиб, Европа адибларининг асарларини тинмай мутолаа килади. Ирвинг 1804 йилдан бошлаб Европа сафарига чикади. У Италия, Швейцария, Англия, Голландия ва Францияда булади. Европа сафаридан кайтгач, адабий альманах нашр килдиради. Бу альманах хазил-мутойиба, пародия, шарж, кулгили киссалар, сиёсий карикатураларни уз сахифаларида босиб чикариб, кенг жамоатчиликнинг диққатини тартади.

Вашингтон Ирвинг юмористик новеллалар, очерклар ёзиб, буржуа Америкасини, унинг вакилларини танкид остига олади. «Шайтон ва Том Уокер», «Хазина изловчилар» номли асарларида Ирвинг индеец кабилаларини кириб ташлаш сиёсатига карши чиқди.

Ирвингнинг «Рип Ван Винкль», «Арвох. куёв», «Уйку водий-си хакида афсона» каби новеллалари унинг 1819 йилда нашр этилган «Чизгилар китоби» га киради. Бу романтик новеллаларда Америкага дастлаб борган келгиндилар хаёти, у ердаги одам оёғи тегмаган урмонлар ёзувчининг кенг фантазияси билан кушилиб ажойиб бир манзара касб килади. Ирвинг новеллаларида халк афсоналари, диний хурофотлари реалистик хаёт лавхалари билан уйгунлашиб кетади. [II.11.123]

Вашингтон Ирвинг XIX асрнинг 20-30 йилларидаёк. Россияда оммалашиб кетган ёзувчи эди. Унинг асарлари «Москва телеграфи», «Европа ахбороти», «Телескоп» каби йирик журналларда нашр этилади. Навбатдаги ижодкорлардан бири Ф. Купер эди.[II.57]

Европа романтизм адабиёти XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида шаклланди. 1789—1794 йиллардаги биринчи француз буржуа революцияси Европада феодализм асосларига зарба бериб, буржуа муносабатларини майдонга келтирди. XVIII аср маърифатпарварлари узларининг бутун фаолияти билан бу революцияни тайёрлаган эдилар. Улар оқилона давлат, оқилона жамият урнатилишини талаб килган эдилар. Аммо

XVIII аср охирида юз берган инкилоб ва унинг натижалари маърифатпарварлар ишончини окламади. Аксинча, аввалгисидан баттаррок буржуа тузуми хукмронлиги урнатилди. Энди «Зурлик билан килинадиган зулм урнини пора олди, ижтимоий хокимиятнинг энг асосий воситаси килич эмас, пул булиб колди»[I,60]

Феодал тартиблари урнига келган буржуа тартиблари одамлар онгида, фанда, маданият ва адабиётда, санъатнинг барча сохаларида кескин узгаришларга олиб келди. Эски тартибларга тарафдор булган дворян ва аристократ гурухлар революция натижаларидан норози булиб, утмишга юз угирдилар. Уларга мансуб ёзувчилар Урта асрни, динни, феодал тартибларини мактаб асар ёздилар ва шу туфайли реакцией романтиклар деб ном олдилар.

Халкнинг интилишларини ифодаловчи гурухлар хам революция натижаларидан норози булдилар. Аммо булар реакцией романтиклардан фарк килиб, илгарига, келажакка бокдилар. Булар маърифат, озодлик, тенглик, биродарлик идеалларига содик булиб колдилар. Шунинг учун бу гурух. тараккийпарвар романтиклар деб ном олди. Тараккийпарвар романтиклар меҳнат ахлининг манфаатларини химоя килиб чикдилар, озодлик учун олиб бораётган курашига хайрихохлик билдирдилар. [II,60]

Булар оддий халкда ишонч билан карадилар. Унинг такдирига, урф-одатларига, миллий анъаналарга, огзаки ижодга ижобий муносабатда булдилар. Тараккийпарвар романтиклар деярли барча адабий жанрларда ижод килдилар. Бу эса улар ёзган асарларнинг ранг-баранг, таъсирчан булиб чикишини таъминлади.

Тараккийпарвар романтиклар классицизм адабиётининг талабларига, конун-коидаларига карши чикиб, ижод эркинлигини илгари сурдилар. Улар асар мавзуини, кахрамонини, тилини демократлаштирдилар. XVIII асрдаги фалсафий киссалар, мантлар урнига кайнок эхтирос билан ёзилган шеърлар, романтик поэмалар хамда лирик драмалар яратилди. Тараккийпарвар романтиклар буржуа-дворян тартибларига, унинг гоёвий кашшок хаёт

шароитига карама-карши уларок, кучли, эхтиросли кахрамонлар яратдилар, мавжуд тузумга нисбатан мурасасизликка, унга карши исёнга, норозиликка чакирдилар.

Образларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги, чукур лиризм, хаётий воқеалар тугунидаги мураккабликлар ва карама-каршиликларни кура билиши билан тараккийпарвар романтиклар жахон адабиёти ривожига янги боскич яратдилар. [II,14,134]

XIX асрнинг танкидий реалист ёзувчилари воқеликни кенгрок, чукуррок. акс эттиришда романтиклар туплаган ижодий тажрибага суяндилар.

Романтизм адабиётининг баркамол характерлар яратиш, хаёт зиддиятларини йирик контраст образлар тукнашувида курсатиб бериш каби хусусиятлари Бальзак ва Диккенс каби санъаткорлар реализмининг шаклланишига ёрдам берди. [II,60]

1.2 Фенимор Купер хаети ва ижодий фаолияти

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод килган йирик романтик ёзувчи Жеймс Фенимор Купер (1789—1851) Америка Кушма Штатлари адабиётида кузга курунган романнавислардан биридир. [II,14,124]

Саргузашт романлар устаси, романтизм намояндаси Фенимор Купер 1789 йили Нью-Йорк штатида йирик ер эгаси булган судья оиласида тугилди. Отасининг кишлоги кейинчалик Куперстаун номи билан кенгайиб кетади. Булажак ёзувчи дастлабки маълумотни Куперстаунда олиб, сунгра Иэль университетига уқишга киради. Аммо университетдан хайдалиб, савдо кемасида оддий матрос булиб ишлайди. Бир йил утгач, харбий кемага хизматга утади.

Унинг отаси Америка Кушма штатлари Конгрессмени эди. Унинг оиласи кейинчалик Нью Йоркга кучиб ўтади. У савдо кемасида денгизчи сифатида ишлайди, ва 18 ёшида Америка Кушма штатлари Харбий денгиз флотига кўшилади. У Сузан деган аёл билан турмуш куради ва бу турмушда уларнинг 7 нафар фарзандлари бор эди. Кизлари: Елизабет (1811-1813), Сузан (1813-1894), Каралина (1815-1892), Анна (1817-1885) ва Мария (1819-1898) ва ўгиллари: Фенимор (1821-1823), Паул (1824-1895), аммо уларнинг 2 таси болалигида халок бўлган. Ёзувчи Паул Фенимор Купер унинг кичик ўгли эди. [II,57]

АКШ флотисида хизмат килган Купер жуда куп мамлакатларда булади. 1810 йили отаси вафот этгач, ундан колган катта бойликка эга булиб, харбий хизматдан бушайди. Уйланиб, адабий фаолият билан шугулланади. Фенимор Купер Америка капитализмини кескин танкид килиб чиккан ёзувчиларнинг биринчиси эди. Купер асарларида Америкада капитализм тартибларининг урнатилиши, махаллий ахоли булган индеец кабилаларининг ерлари тортиб олиниб, узларининг кириб ташланиши руйирост курсатиб берилади.[II.11.125]

«Американинг Вальтер Скотти» деб ном олган Купер, Кушма Штатлар адабиётида тарихий роман жанрига асос солди. Фенимор Купер ижоди узига

хос хусусиятлари, хусусан демократизм, инсонпарварлик, оддий кишилар хаётини акс эттириши билан диққатга сазовор.[II.58]

У ўз даврининг машхурлари Вашингтон Ирвинг, Р.В.Емерсон, Натаниел Хавсорт, Герман Мелвилл ва Вилки Коллинс каби ёзувчилар билан яқиндан дўст бўлган ва уларнинг баъзилари Купер ижодига таъсир килган.

Купер китоб ўқишни жуда яхши кўрарди, бир куни у бир инглиз романини ўқиб тугата туриб хотинига карата “ Мен будан ҳам яхшироқ ёзган бўлардим” дейди. Унинг хотини Сузан эса уни ўз асарини ёзишга ундайди ва шу тарика у ўз ижодини бошлайди.

Фенимор Купер ижодини, характериға кура, уч боскичға булиш мумкин: Биричи боскич - 1821-1826 йиллар. Бу даврда адиб Америка инкилоби идеалларига ишонади, мамлакат буржуа демократиясига умид боғлаб, ватанининг утмишига янги тартибларни карама-карши куяди.

Купер ўзининг илк асарини 1820 йилда эълон килди. Бу асарни у Жейн Аустенинг романларига ўхшатиб ёзади, лекин афсус у муваффақиятли чикмайди. [II,14,123]

Иккинчи асари “ Шипиён “ деб номланади. У Волтер Скоттнинг бир тўплами асосида бўлиб, Америкадаги саргузаштлари хақидаги воқеаларни ўз ичига олади. Бу асар бош карамони Жорж Вашингтоннинг шипиёни Жаноб Харпер хақида эди. Бу асар унга шухрат келтирди ва анчагина бойлик хам. Бунинг натижасида у олдин шугулланиб юрган фермерлик ишини ташлади. Кейин тезда яна бир канча ишларини чоп эттирди.

1823 йилга келиб, у “ Жун Пайпок” туркумига кирувчи биринчи асарини нашрдан чикарди. Бу асарнинг номи “Пионеер”, яъни ўзбек тилидаги таржимасида “ Чингачгук фожеаси” деб номланади. “Жун Пайпок” туркумига кирувчи асарлари асосан бош қахрамон Натти Бампонинг ёшлик давридан то унинг вафотигача бўлган даврни ўз ичига олади ва бу асарларни у жами йигирма йил ичида ёзиб тугаллади. Аммо у нашр эттирган асарлар кетма-кетлиги тартиби бунга тўғри келмайди. Бу туркумга кирувчи асаларидан энг машхури бўлмиш “ Сўнги Могикан” Купер Нью

Йоркдалигида 1822-1826 йилларда ёзиб тугалланган. Бу китоб бир неча бор нашрдан чиқарилди ва хаттоки бу асар асосида бир анча теледастурлар ва филмлар ҳам олинган. [II,58]

Натти Бампо хақидаги иккинчи роман “Сўнги Могикан” да Англия билан Франция ўртасидаги босинчилик урушлари билан француз мустамлакачилари хинду кабилаларини шавкатсиз кириб ташлаётгани манзараси чизиб берилади.

Бу романда Натти Бампо инглиз разведкачиси Бургут кўз лакаби билан, хинду кабиласидан бўлган Жон Могикан эса Чингачгук лакаби билан катнашадилар.

1826 йилда Купер расман исмига Фенимор номини кўшиб олди ва шу йили Купер оиласи билан Европага кўчиб ўтади ва у ерда у асарлари кетидан анча фойда кўради ҳамда болаларининг янада яхшироқ таълим олишларини таъминлайди. У Парижда Кўшма Штатларнинг Консули сифатида фаолият юритади, шу вақт мобайнида эса кўпгина Европа мамлакатларига, жумладан Швецария, Англия, Италия ва Нидерландияга сафар қилди.

У Европадалигида ҳам ёзишни давом эттиради. Унинг “The Red Rover” ва “The Water Witch” деб номланган иккита денгиз хикояларига қирувчи асарлари Парижда чоп этилди. [II,57]

«Жосус» (1821), «Лоцман» (1823), «Пионерлар» (1823), «Бостон камали» (1825), «Сунгги Могикан» (1826) каби романларида адиб Америка хаётидаги адолатсизликларни, индеец кабилаларининг вахшийларча кириб ташланаётганлигини коралайди. Бу романларнинг қахрамонлари ватанпарварлик, озодлик идеалларини узларида мужассамлаштирадилар. Улар ёзувчига шон-шуҳрат келтиради.[II.65]

Иккинчи босқич- 1826- 1833 йилларни камрайди. Бу давр Купер ижодининг Европага саёхат қилган палласига тугри келади. Бу вақтда ёзувчи «Мард» (1831), «Гейденмауэр» (1832), «Жаллод» (1833) каби романларини яратади. Мазкур асарлар Европа мамлакатлари тарихига бағишланган. Юкоридаги романларида муаллиф Европадаги монархия тузумига Америка

Кушма Штатларидаги республикачилик тартибларини карама-карши килиб куюди. [II.11.126]

1832 йилда у партия ёзувчилари рўйхатига кирди ва бир канча маколаларини чоп эттира бошлади. Кейинчалик у гоҳ ўз изишларидан келиб чииб ёзди, гоҳида эса миллийлик, она ватан учун ёза бошлади. Лекин ҳеч қачон иккаласида бир вақтнинг ўзида ижод қилмади. “The Bravo“ деб номланувчи асарида Европалик республикачиликка қарши турувчиларга ҳужум тариқасида ўз сиёсий қарашларини ақс эттирди. Лекин бу асар Кўшма Штатларда яхши кутиб олинмади. У яна ўз сиёсий қарашларини ўз ичига олган бир нечта асарлар ёзди ва унинг асарлари ҳам Европада, ҳам Америка Кўшма Штатларида қўпгина ўз китобхонларига эга бўлди.

1833 йилда Купер Америкага қайтди ва “Халқимга хат” деб номланувчи асарини тезда чоп эттирди ва унда у ўша даврнинг энг сиёсий баҳс-мунозаралари ҳақидаги фикрларини келтириб ўтди. Бундан ташқари у Европага қўрган кечирганлари ҳақида ҳам асарлар ёзди.

1834 йилга келиб у Куперстоунда авлодларидан қолган хашаматли Отсего саройини қайта очди, бироқ у узок турмади ва яна мурай бошлади. У бу ерда деярли 16 йил давомида бўлмаганди. Бошида у кишни Нью-Йоркда ўтказди ва ёзни эса Куперстоунда ўтказди, аммо Отсего саройини ўзининг доимий қароргоҳи сифатида саклади. [II,58]

1833—1851 йилларни уз ичига олган учинчи босқичда Купер ижодида силжиш юз беради. Ёзувчининг Америка Кушма Штатлари ҳаётига, макталган Америка демократиясига муносабатлари салбий тус олади. Бойлик кетидан қувиш авж олиб, демократик тушунчалар оёқ ости қилинаётганини қурган адибнинг бу даврда яратган асарлари орасида энг эътиборлиси «Моникенлар» (1835)да АКШ буржуа тузуми кескин ҳажв остига олинади. 1851 йилнинг 14- сентябрида Купер оламдан ўтди ва уни отасининг қабрини олдига дафн қилишди. Бир канча машҳур ёзувчилар, сиёсатчилар ва унинг дўстлари вафоти муносабати билан 1852 йилда унинг шарафига кеча уюштирилди.

Австриялик композитор Франз Шубберт ўлим тўшагида ётар экан Купер асарларини кўпроқ ўқишни хохлаган экан. Француз ёзувчиси Оноре де Балзак унинг асарларидан жуда ҳам хайратланган, Купернинг асарлари hozirги кунда Европа ва Осиёнинг деярли барча тилларига таржима килинган. [II,57]

Гарчи баъзи олимлар Куперни Романтизм окимининг вакили дея бахslashсаларда, Виктор Гюго уни замонавий романнинг буюк усталаридан ҳам мохирроқ дея таърифлаган. Купернинг ижоди Америкалик таникли ёзувчи Марк Твен томонидан жуда чуқур ўрганилиб, танкид остига олинган. М.Твеннинг у хакидаги маколasi Купер ижодини янада яқиндан ўрганишга ёрдам беради. М.Твен кўпроқ Купернинг “Изкувар” ва “ Чигачгук улкан илон” асарларини тахлил килиб, баъзи камчиликларини айтиб ўтган. Унинг фикрича Купер ўз асарларида адабиёт коидаларига зид келадиган бир нечта хатоларга йўл кўйган.

Купер асарларида аёл образларини кўллаша ҳам бир канча камчиликларга йўл кўйган- дейди баъзи танидчилар унинг асарлар хакида фикр билдира туриб. Освегодаги Нью- Йорк давлат университети Купернинг номи билан аталади. Чунки Купер бу ерда жуда кўп яшаган ва бир канча асарларини шу йерда ёзган эди.

Ёзувчининг «Изкувар» (1840), «Овчи» (1841) каби романлари унинг индеец кабилалари хаётини акс эттирувчи, машхур Чарм Пайпок хакидаги романлари сирасига киради. Бу силсилага кирувчи романлар ёзувчи ижодининг илк паллаларида ҳам яратилган эди. [II,11,123]

Масалан: «Пионерлар» (1823), «Сунгги Могиқан» (1826), «Прерия» (1827). Чарм Пайпок тугрисидаги бешта романнинг умумий кахрамони овчи Натти Бумподир. Купер лакаби Чарм Пайпок булган кахрамонининг мардлиги, жасурлиги, дустликда мустахам садокат эгаси эканлигини мадх килади. Чарм Пайпок тугрисидаги сериянинг биринчи романи «Пионерлар» да кахрамон Натти Бумпонинг кариган йиллари хикоя килинади.

Купер лакаби Чарм пайпок бўлган кахрамоннинг мардлиги, жасурлиги, дўстликда мустакам садокат эгаси эканлигини куйлайди. Натти Бампо дойорақ инсон оқ танлилар учун Американинг одам оёғи тегмаган ўрмонларидан йўл очган, хинду кабилаларининг ерларини цивилизациялаштиришнинг пионери бўлган. Унинг дўсти Жон Могикан хиндулар кабиласи бошлигининг ҳам кексайиб қолган даври тасвирланади. Асарда улар муштамлақачилар, бойлик кетидан қувган таъмағир кишиларга зид қўйилган. Купер кахрамони Натти Бампо ўзининг ҳалоллиги, софдиллиги билан буржуа тартибларини ўрнатаётган кишилардан устун туради.[Ш.11.124]

Бу ҳар иккала олийжаноб киши оқ танлилар томонидан ҳақорат қилиниб, ҳурланади. Асарда улар муштамлақачилар, бойлик кетидан қувган тамағир кишиларга зид қуйилган. Купер кахрамони Натти Бумпо узининг ҳалоллиги, софдиллиги билан буржуа тартибларини урнатаётган кишилардан устун туради.

Натти Бумпо ҳақидаги иккинчи роман «Сунгги Могикан» да Англия билан Франция уртасидаги босқинчилик урушлари ҳикоя қилинади. Инглиз босқинчилари билан француз муштамлақачилари индеец кабилаларини шафқатсиз қириб ташлаётгани манзараси қизиқ берилади. Бу романда Натти Бумпо инглиз разведқачиси Бургут қуз лакаби билан, индеец кабиласидан бўлган Жон Могикан эса Чингачгук лакаби билан қатнашадилар.

Фенимор Купер «Сунгги Могикан» романи билан хинду кабилаларини қириб юбораётган оқ танлилар ва қизил танлилар (хиндулар) уртасидаги ҳусуматнинг қерағи йуқ эди, деган ҳулосани қикаради. Купер гуманизмининг ахамияти ана шунда.[Ш.11.127-128]

Чарм Пайпок ҳақидаги учинчи роман «Прерия» да Америка табиатининг гузал манзараси қизиқ берилади. Асарда табиат узининг бутун қудрати, салобати билан ҳаракат қилувчи қуч сифатида тасвирланади. Фенимор Купернинг романнавис сифатида улқан хизматларидан бири шу эдики, у романга табиатни эстетик қатегория сифатида қиритади. Асар кахрамони Қари Натти Бумпо ажойиб ҳусн эгаси бўлган табиатнинг оқ танли

мустамлакачилар томонидан кийратиладиганини нафратланиш, ачиниш туйруси билан эслади. Табиатга ва шунингдек, хинд кабилаларига нисбатан килинаётган вахшийликни каттик коралайди.[II.63]

Америка Кушма Штатларини босиб олишга багишланган силсиланинг сунгги романлари «Искувар» ҳамда «Овчи» асарларида ёзувчи яна XVIII асрга мурожаат килади. Бу даврда мустамлакага айлантириш энди бошланган эди. Мазкур романларда ҳам эркин, озод индеец кабилаларининг хаётини боскинчи ок танлилар хаётига карама-карши куйиб, ёзувчи индеец кабиласидан чиккан кахрамонларнинг хар жихатдан устун турувчи фазилятларини мадх килади.

Бу хар иккала асарда ҳам яна уша Натти Бумпо билан Чингачгук образлари асосий уринда туради. Ёзувчи ок танлилардан бирортасини ҳам узининг сеvimли кахрамонларига тенглаштирмайди.

Чарм Пайпок хакидаги романлар силсиласининг асосий кахрамони Натти Бумпо Фенимор Купер карашларини акс эттиради. Бу образ буюк рус революцион-демократ танкидчиси В. Г. Белинский ҳамда улуг пролетар адиби М. Горькийнинг тахсинига сазовор булган.

Фенимор Купернинг сеvimли кахрамони Натти Бумпо Америка такдири хакида уйлар экан, кириб келаётган буржуа цивилизациясининг табиатга, махаллий халк индеец кабилаларига тамомила ёт эканлигини айтади.

Фенимор Купер ижоди, айникса индеец кабилалари хаётига оид асарлари, Россияда ҳам, Европада ҳам кенг шухрат козонди. Машхур ёзувчилар Бальзак, Жорж Сайд Америка ёзувчисининг талантига юкори бахо бердилар. Купер асарларидаги инсонпарварлик, оддий кишиларнинг олийжаноб ишлари, ватанни севиш, она табиат жамоли билан фахрланиш хислари бизларга жуда якин.[II.58]

Купер ижодида буржуа тузуми, унинг вакиллари оёги етган жойда инсон кадри ерга урилиши, эрк, озодлик, демократик тушунчалар оёк ости килинаётганлиги кораланади. Фенимор Купер асарлари жахондаги жуда куплаб тилларга таржима килинган. Хозирги вақтда Купернинг “Сунгги

Могикан”, “Чингачгук — улкан Илон”, “Изкувар”, “ Жосус”, “Чингачгук фожеаси”, “Метин юрак киссаси “ романлари узбек тилига угирилган.

Америка ёзувчисининг хиндилар, хаётини акс эттирган, романтикага бой асарлари узбек китобхонларининг меҳр-мухаббатини козонган.[III,5,1-2]

“Жун Пайпок хикоялари” беш қисмдан иборат бўлиб, Натти Бампонинг йигирма ёшлигидан то тўксон ёшлигигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу асарлар Америка романчилигининг энг кўзга кўринарлиларидан ҳисобланади. Куйида унинг бешлик туркумидаги тўпламидаги беш асар нашр қилиниш хронологияси бўйича эмас, балки бош қахрамон Натти Бампонинг хаёт йўли тартибида келтирилади:

“Чингачгук улкан илон” – бу романда Натти хинду Чингачгук томонидан ўрмон йўллари ўргатилаётган бир ёш бола сифатида намоён бўлади.

Чингачгук Наттини ота-онасининг вафотидан сўнг ўз қарамоғига олган эди. Бу асар 1750 йилларда гарбий Нью-Йоркда ёзилган. Унда Натти истамаган ҳолда уни ўлдирмокчи бўлган хиндуни ўлдириб кўяди. Бу хинду ўлар чоғида Наттига “Hawkeye”, яъни “Бургут кўз” деб ном беради.

“ Hawkeye ” ҳам қахрамон, ҳам симболдир. Купер бунини Европа ва Хиндулар маданиятинининг қўшма икки қалониялик рамзи сифатида қўллади. “Бургут кўз” шунингдек, афсонавий ўрмон қахрамонининг ҳам рамзидир. Бу шунини англатадики у бургутга ўхшаб кўзи ўткир ва жуда яхши мерганлиги учун ҳам Делававлар томонидан шундай ном берилгани унга.

“Сўнги Могикан” - бу бешталик туркумидаги асарлар орасида энг машхури бўлиб, Купернинг шох асари ҳисобланиб, Махаллий Америка аҳолисининг йўқолиб бориши ва таҳқирланиши жуда ажойиб тасвирланган асардир. Асарнинг “ Жун Пайпок” деб аталишига сабаб, Натти жундан тайёрланган галати оёқ қийими қийиб юрарди. Шунинг учун ҳам одамлар уни жун пайпок деб аташган. [II,57]

Бу роман 1757 йилда гарбий Нью-Йоркда ёзилган бўлиб, бунда Наттининг 27 ёшлар давридаги хаёти тасвирланади, Чингачгук ва унинг ўгли Ункас Могикан, яъни Махаллий Американинг Делававлар қабиласидан

колган охирги икки киши эдилар. Колган кабила аъзолари асар бошланмасидан олдин ўлган ёки ўлдирилган эдилар. Роман Ункаснинг бошка бир хинду томонидан ўлдирилиши билан тугайди. Чингачгук Ункасни Могиканларнинг охиргиси деб хисоблайди, лекин аслида Чингачгукнинг ўзи Сўнги Могикан эди. Натти эса Ункаснинг котилидан касос олади.

“Изкувар” – бу бешлик туркумидаги романларнинг учинчиси бўлиб, бунда Наттининг севиб қолиши ва уйланишига якин бўлган вақтларни ўз ичига олади. Бу қисмда Чингачгук бош ролдадир. Асар охирида гарчи Натти бир кизни севсада, у киз бошқасини севишини аниқ биларди, шунинг учун ҳам у ўзини олийжаноблик юзасидан четга олади. Бу роман 1760 йиллар атрофида Нью-Йорк ва Канада ўртасидаги Онтарио кўли районида ёзилган.

“Чингачгук фожеаси” – Бу асар гарчи биринчи бўлиб нашр қилинган бўлсада, Наттининг ҳаёт хронологияси бўйича тўртинчи роман хисобланади. Бу қисмда Натти Бампо асосий қаҳрамон эмас ва унда 1793 йиллардаги воқеалар тасвирланади. Бу даврда Наттининг ўрта ёшлардан то олтинчи ёшларгача бўлган даври қамраб олинган. Бу ҳам гарбий Нью-Йоркда ёзилган романдир. Чингачгук ўрмондаги ёнгинда ҳалок бўлади. Аслида эса унинг ўзи ёнгиндан қочишга ҳаракат қилмайди, чунки бу билан у Махаллий Америкаликларни оқ танлилардан ҳимоя қилмоқчи эди. [Ш,4,2]

“Метин Юрак Киссаси” – бу роман Наттининг Небраска чўларидаги деярли тўксон ёшлар атрофидаги қарилик ҳаёти ва унинг ўлими ҳақида сўзлайди. Бу 1820 йилларни ўз ичига олади. Натти хинду қабилалари билан яшаши ва унинг ўлими ҳамда кўмиш маросими билан роман якунланади.

Қатта прерия, чамаси, қизил танлиларнинг сунгги паноҳ-қуналгаси бўлиб қолган эди. Могиканлару делаварлар, криклару чокто ва черокларнинг қолган-қутганлари қисматиға умрларини ана шу бепоён текисликларда тугатиш битилганди. Бу мамлакатдаги хиндуларнинг умумий сони бир-бировидан тамоман тафовут қиладиган ҳисоб-китобларға қура юздан беш юз минг нафаргача борадн.

Уларнинг аксар қисми Миссисипининг гарбий сщхиллари екадаги ерларда итикомат қиларди. Асарда тасвирланадиган замонларда улар узаро муттасил уруш олиб боришар, утли-конли адоват авлоддан- авлодга мерос булиб утардп. Республика ана шу овлок улкада осудалик қарор топиши йулида талай чора-тадбирлар қуради.

Уша даврда содир булган воқеалар Катта прерияни маълуму-машхур қилиб юборди ва у ерга саехатлар тасвирпнн ярим аср муқаддам Огайо билан Луизианага сафар қилган қучманчиларнинг хикояларини уқишганидек чанқоклик ила қироат қиладилар. Давру звмонга хос бир жихатни қайд этиб утиш керакки, аллақачонок мазкур бепоеп ялангпкнинг қаеридан темир йул утқизиш хусусида амалий мунозара-мусохаиалар бошланиб кетган ва бу ҳол одамларга хомхаёл булнб қуринмай қолган эди уша даврда.

Мазкур китоб билан Жун Пайпок хақидагп хикоятни тугалланади. Бу қисмда йиллар юқи остида, Натти мунқиллаб қолган, на навқирон сайёду на жангчи, қопқон билан тирикчилик утқазувчи трапперга айланган, Улуг Гарбда бундайлар оз эмас. Болталар садоси уни уз суйган урмонларидан қувиб қолган, бари нарсадан умиди узилиб, тақдирига тан бсриб, Қояли тоғларга қадар қузилиб кетган ялангоч текисликдан панох излайди у. Умрининг охирини шу ерларда утқзади ва бир-ярим қусури бор, булак айб-иллату бадқирдорлик нелигини билмайдиган, табиатнинг узидек покизаю ҳалол, самимию диёнатли файласуф-зоҳид мисоли оламдан қуз юмади. Шу тартқа беш қисмдан иборат туплам ҳам яқунланади. [III,5,1-2]

Инсонийлик ва ватан озодлигини эъзозлаган дунёдаги ҳар бир китобхон учун Америка адабиётининг гигантларидан бири Фенимор Купер номи яқиндан танишдир. Куперни ватанга булган пок ва чуқур мухаббати учун, уз мустақиллиги йулида қахрамонона қураш олиб бораётган мазлум халқлар ва қабилаларга беқиёс ҳурмати ва ҳамдардлиги учун севадилар. Бальзак Купер романларини уқир экан, завқдан «буқирган».

Белинский унинг асарларида буюқлик ва бепоенликни қурган. Лермонтов эса бу ёзувчини ҳатто тарихий романлар отаси Валтер Скоттдан ҳам устун

куйган эди. Фенимор Купер асарлари айникса, романтик, ажойиб-гаройиб, шиддатли ҳамда қахрамонона воқеаларнинг шайдоси булган ёшлар учун гоят азиздир. Шунинг учун ҳам унинг ватанпарварлик, жасурлик ва маънавий гузаллик сари жаҳоннинг барча тилларида қайта-қайта нашр этилмоқда.

II. боб.

Фенимор Купер асарлари таржималарида услубий воситаларнинг берилиши

2.1 Стилистика ва киесий стилистика тушунчалари

“Услуб” сўзи икки маънони англатади, унинг келиб чикиши арабчадир, халқаро тилларда “стил, стилистика” сўзлари ишлатилади: 1) тартиб, тартиб-усул. 2) усул, йўсин, тарз, равиш, стил, система

Рус тилидаги “стилистика” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида ҳам айнан шундай ишлатилади.

Инглиз тилида “Стилистика” деярли учрамайди. Бунинг урнига Figures of speech, style or Rhetoric (риторика) кўпроқ қўлланилади. Собик СССР давридаги адабиётларда Stylistics термини учрайди. Буни биз ўзимиз муаллифларимиз асарларида учратамиз. Англияда бу атама тарқалган эмас. [II, 50, 89]

Стилистика тилнинг таъсир воситалари, уларнинг ички мазмуни, қурилиши, муайян ифода воситасининг функционал вазифасини контекстга қараб аниқлайди ва белгилайди, уларнинг асарда нима мақсадда ишлатилиши, улардан қайси муаллиф қандай фойдаланганини кўрсатиб беради.

Стилистикани адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида ўрганилади. Адабиётшуносликда ишлатилганида, ҳар бир халқ ёзувчиси, шоири ўзи яшаб турган ёки назарда тутган табиий муҳит унсурлари билан муомалада бўлади. Айтайлик, тоғли ўлка ёзувчилари (Грузин) тоғ–даралар, тошлар, тоғ предметларига мурожаат қилса, козок ёзувчиси кўпроқ сувсиз ўлкалар, дарахтсиз сахролар, чўлларга ўз қаҳрамонини жойлаштиради. Инглиз ва Америка адабиётлари асарларида эса кўпроқ сув хўжалиги, денгизчилик, балиқчилик қабилар билан шугулланган образларни учратамиз. [II.18.11-12]

Бинобарин, ҳар бир халқ ёзувчиси воқеаларни ифодалашда, ҳаётни тасвирлашда нутқ воситалари материали сифатида ўзи қўзда тутган муҳит ҳодиса воқеалар ва предметларига таянади.

Лингвистик стилистика яъни тилшунослик соҳасида ишлатиладиган усул-лексик ва Грамматик синонимлар структураси, тилнинг у ёки бу этапида сўзларнинг ишлатилиши қонуниятлари, унинг функционал катламларга бўлиниши каби муаммоларни ҳал қилади. Стилистика фани заминида лингвистика билан адабиётшунослик бирлашади. Зотан, Стилистика тилшунослик билан адабиётшунослик ўртасида пайдо бўлган умумфилологик соҳадир.

Бадий асарда услуб тушунчаси кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг маънода бирор ёзувчи ёки айрим олинган асарнинг услуби тушунилади. Масалан, Шекспир асарларида ҳар бир сўз, ҳар бир ибора бир неча маъноларда товланади. Бу ҳақда проф. М.М.Морозов шундай ёзади; ”Шекспир тилининг бойлиги унда сўзлар микдорининг кўплиги билан эмас, балки Шекспир қўллаган сўзларнинг ранг-баранг маъно бериши билан белгиланади. [II,48,56]

Масалан, проф.М.Морозовнинг қайд етишича, биргина “free” сўзи ўн тўртдан (14) ортирок маънони англатади: эркин, ихтиёрий, мустақил, шай, самимий, гуноҳсиз, ўқтам, сахий, соғлом, бахтиёр, беғам, безарар, олийжаноб, нафис ва хоказо.

Услуб тушунчаси тор маънода талкин қилганда асардаги персонажлар тилининг хилма-хиллиги, уларнинг тилидан дунёқарашлари, маълумоти, маданияти, аҳолининг қайси тоифасига мансублигини аниқлашни тушуниш лозим. Персонажлар тилининг ўзига хослигини таржимада қайта яратиш ҳам таржимондан катта санъат талаб қилади.

Таржимада ҳар бир гап, сўз, товуш, ҳатто пунктуацион белги ўз ўрнида бўлиши керак. Чунки буларнинг ҳар бири, ўрнига қараб, катта услубий маъно қасб этган бўлиши мумкин. Масалан, рус тилидаги арзимас бир предлог “под” лугатда ўн саккиз маънода таржима қилинган. [II,50,88]

Инглиз тилида “head” сўзининг 25 та, сўз бирикма ва ибораларда 46 та, жами 71 та маънода ишлатилганини кузатдик.

Ўзбек тилида “бош” ва шу сўз билан ишлатиладиган сўз ва бирикмалар 80 та экан.

Рус тилида “голова” сўзи ва у билан келадиган сўз бирикмалар, иборалар 33 та экан. [II,50,88]

Демак, ҳар бир тилда кўп маъноли сўзлар кўп учрайди, улар ўрнига, кимнинг сўзи эканига қараб таржимада ҳам тиклаш талаб қилинади.

Таржима жараёнида ҳар бир персонажнинг ўзига хос тил хусусиятларини ҳисобга олинмаса, қиролни-қиролдан, маликани-балиқфурушдан, деҳқонни-хунарманддан, зиёлини–идора хизматчисидан фарқлаш қийин бўлиб қолади.

Хамлетнинг ўқимишли, қучли тафаккур эгаси, файласуф, фаннинг ҳамма соҳаларидан хабардор зиёли эканлигини унинг нутқидан билиб олса бўлади, Дания шахзодасининг мана бу сўзларидан унинг зоология, ботаника каби табиий фанлардан ҳам дурустгина хабардорлигини сезиш мумкин. Чунончи, у бир ўринда отасини ўлдирганларга нисбатан ўзида қаҳр-газаб ҳисси суғлигини шундай ифодалайди:

Чунки менинг жигарим-қаптар жигари,

Чунки йўқ жигаримда сафрою зарда.

Бўлмаса мен бу баттол йиртқични сўйиб

Жасадини кузунларга ташламасмидим!

XX асрнинг кейинги ўн йилида стилистика фанини ўрганиш бир тил доирасидан чиқиб, бир неча тил услуб воситаларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга уриниш натижасида қиёсий стилистика аспектларининг шаклланишига сабаб бўлди. Масалан, Шарл Балли ўзининг “Француз тили стилистикаси” китобида француз тили билан немис тилининг фактлари, услубий воситаларини бир-бирига қиёслаб таҳлил қилган.

Қиёсий стилистика, асосан, таржима назарияси ва амалиётига қизиқиш қучайганлиги ва қиёсий грамматика бўйича бирмунча метадиалогик ишлар қилинганлиги натижасида шаклланиб, алоҳида назарий проблемага айланди. [II,18,23]

Киёсий стилистика фанини яратишда проф.Л.В.Шерба, академик В.В.Виноградов, проф.А.М. Пешковский, Шарл Балли ҳамда кейинги пайтда стилистикани таржима назариясига тадбир етиш соҳасида Жорж Мунен, проф.А.В.Федоров ва бошқаларнинг хизматлари катта. [II,18,24]

Стиль (услуг) сўзи франсузча “style”, юнонча “stylos” сўзларидан олинган бўлиб, ёзиш учун таёкча маъносини англатади. Д.Е.Розентал ва М. Теленкованинг лингвистик терминлар лугатида стиль сўзининг 4 та маъноси берилган.

- 1) Мулоқот вазифаларига боғлиқ равишда тил воситаларининг ташкил этилиши ва бириктириши билан характерланадиган тил хилма-хиллиги, тил стили, функционал стилдир.
- 2) тил воситаларини қўллаш усуллари мажмуи, бирор бир ёзувчи, бадиий асар ёки жанрга хос. Масалан, фелетон стили, Купер стили.
- 3) Ифодавий - услубий бўёқ тамойилларига асосланиб, тил воситаларини танлаб олиш. Масалан, китобий услуб, расмий услуб, сатирик услуб, юмористик услуб.
- 4) Синтаксис ва сўзнинг ишлатилиш нормаларига мувофиқ равишда нутқнинг тузилиши. Масалан, оддий стиль, стил устида ишлаш, стилдаги хатолар

Нутқ услуби (стили) бу тил услубини бир нутқ муҳитида қўллашдир. Озаки ва ёзма нутқ услублари мавжуд. Ўзаки нутқ услубларига сўзлашув услуби, нотиклик услуби киради. Ёзма нутқ услубларига бадиий беллетристик услуб, расмий услуб, эпистоларий услуб кабилар мисол бўла олади. [II,15,43]

Умуман олганда, стиль (услуг) атамаси жуда кенг маънода ишлатилади. Инсон фаолиятининг жуда кўп соҳаларида услуб ҳақида гапириш мумкин. Масалан, адабиётдаги услуб, тилшуносликдаги услуб, кийиниш услуби, дарс ўтиш услуби каби услублардир. Ҳатто тилшуносликнинг ўзида ҳам стиль сўзи кенг маънода ишлатилади. Кўпгина тилшуносларнинг фикрича, стиль сўзи тадқиқотининг куйидаги соҳаларига тааллуқли: тилининг эстетик

функцияси, тилнинг ифода воситалари, бир фикрни таржима қилишнинг синонимик йўллари, тилдаги эмоционал бўёк, стилистик усуллар системаси, адабий тилнинг стилларга бўлиниши, тил ва тафаккур ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, муаллифнинг тилдан фойдаланишдаги ўзига хос услуби.

- 1) Иля Романович Галперин ўзининг “Stylistics” китобида тил услуби ва унинг турлари ҳақида ёзган. Тил услуби мулоқотда маълум бир ижод учун хизмат қиладиган тил воситаларининг бир-бирига боғлиқ бўлган системасидир. Тилдаги ҳар бир услуб алоҳида хусусиятларга эга. Тил воситаларининг танланиши мулоқотнинг мақсадига боғлиқ бўлади

А.Шомаксудов ўзининг “Ўзбек тили стилистикаси” китобида нутқ услубларининг 5 та турини айтиб ўтган, яъни илмий, бадиий, публицистик, расмий ва сўзлашув услуби. [II,46,76]

Стилистика (услубият) сўзи юнонча бўлиб, стиль, учи ингичка қилиб йўнилган таёкча демак, унинг арабча синоними услуб ёки услубиётдир. Грек мирзолари шу силос, махсус таёча билан сирти мумланган таёкчаларга ўйиб хат ёзганлар.

Тилшуносликнинг бир бўлими сифатида стилистика (услубиёт) тил воситаларини нутқда ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўргатувчи фандир.

Стилистика фонетик, лексик, грамматик каби бўлимларга бўлиниб, ўз тарихига ,тушунча ва категорияларига эга. [II,18,23]

Д.Е.Розентал ва М. Теленкованинг лингвистик терминлар лугатида ҳам стилистикага таъриф берилган. Шунингдек, стилистика тилнинг ифода воситалари ва уларнинг нутқда ишлатилишини ўрганади. Академик В.В. Виноградов стилистикани учга бўлади:

- | | | |
|---------------|---------------|-------------------|
| 1) тил | 2) нутқ | 3) бадиий адабиёт |
| стилистикаси; | стилистикаси; | стилистикаси. |

Тил стилистикаси ёки функционал стилистика тилнинг стилистик структурасини, функционал тил стиллари, тил воситаларининг стилистик

хусусиятини уларнинг кандай ҳолатда ишлатилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганади.

Нутк стилистикаси тил воситаларининг ишлатилиши, уларнинг огзаки ва ёзма нуткнинг жанрлари, шакллари кўринишлари билан боғлиқгини ўрганади. Бадиий адабиёт стилистикасида бадиий асар стилининг ҳамма элементлари, ёзувчи стили кабиларни ўрганади.

Француз тилшуноси Шарл Балли стилистикани қуйидагиларга бўлади:

- 1) умумий стилистика - ҳамма ёки кўпчилик тилларга тааллуқли бўлган нутк фаолиятининг умумий стилистик муаммоларини ўрганади;
- 2) хусусий стилистика - маълум бир миллий тилнинг стилистик структурасини ўрганади,
- 3) Индивидуал стилистика - алоҳида шахслар нуткининг ифодалаш хусусиятларини ўрганади. [II,20,16]

Фонетик, морфологик, лексик ва синтактик бирликлар ўз функцияларига кўшимча равишда стилистик функция бажаради.

Стилистика фани ҳам қадимий, ҳам жуда ёш фан. Чунки антик даврдан бошлаб тил мулоқот муҳити, ситуация, гапирувчи ва тингловчининг муносабатига қараб фарқланган. Лекин қадимги греклар ва римликлар учун стилистика амалий характерга эга бўлган ва маълум масалларга эришиш учун тилдан қандай фойдаланиш тўғрисидаги фан бўлган.

Қадимий Греция ва Рим империясида тингловчиларга таъсир кўрсатиш учун нутк маданиятига қатъий эътибор қаратилган ва фақатгина XX асрга келиб стилистика тилнинг стилистик тузилиши ва унинг стилистик воситалари ҳақидаги илмга айланди. Стилистика лингвистик фан сифатида тил бирликларининг стилистик маъносини ўрганади. [II,6,7]

Стилистика соф амалий ахамиятга ҳам эга, стилистикани ўрганиш, унинг принципи ва нормаларини билиш нутк маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Стилистика тил воситалари жанрларини белгиси, уларнинг нутк услубларига ҳосиланиш даражасини ўрганиш, лексика, фразеология, морфология, синтаксис стилистикаси вариантларини

аниклашига кўра миллий нутк маданиятининг назарий асосларини ташкил килади.

Стилистика тил бирликларидан кайси бири у ёки бу стилда, ёзма ё оғзаки нуткда кўпроқ ишлатилиш масаласи билан ҳам шугулланади. Бундан ташқари, стилистикага фикр ва мақсадни ифодалашда тил воситаларининг тўғри танлангани ёки танланмаганини аниқлаш, ҳамда шу тил воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш ва ишлатиш йўллариини белгилаш каби вазифалар ҳам юклатилади. [II,6,10]

Стилистика тилшуносликнинг бир бўлаги бўлиб, мулоқотнинг турли шароитларида хис-хаяжон ва фикрни ифодалашда лексик, грамматик, фонетик ва умуман тил воситаларини танлаш ва қўллаш тамойилларини ўрганади. Тил стилистикаси ҳамда нутк стилистикаси мавжуд. Стилистика ўз навбатида лексик стилистика, функционал стилистика, грамматик стилистика, морфологик стилистика, синтактик стилистика, фоностилистика каби турларга бўлинади.

Стилистиканинг предмети, биринчидан, бу стилистик воситаларининг структураси, вазифаси ва табиатини ўрганишдир. Иккинчи томондан эса, унинг ҳар бир услуби, унинг мақсади, структураси, хусусиятларини ва унинг бошқа тил услублари билан алоқасини ўрганишдир.

Н. Хотамов ва Б. Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик терминларининг изоҳли лугати” да стилистикага қуйидагича таъриф берилган: Стилистика - бадиий нуткнинг турли услублари ҳақидаги таълимот. Стилистика тила ҳақидаги фанга асосланади, лекин шу билан бирга, у мустақил вазифага эга бўлган фан соҳасидир. [II,50,12]

Стилистика, умуман инсон нутқини ўрганади. Бирок стилистиканинг маҳсул соҳаси ҳам мавжуд бўлиб, бадиий нутқни, поетик хусусиятларини, бадиий асар тили ва унинг ифода воситаларини ўрганиш бевосита шу соҳанинг вазифасига киради. Бу соҳани баъзан “адабиётшунослик стилистикаси” деб ҳам аташади. Стилистика хулосаларисиз бадиий нутқка хос у ёки бу ходисанинг аҳамияти ва ролини тўғри англаб бўлмайд.

Н. Шукуров ва бошаларнинг “Адабиётшуносликка кириш “ китобида услубга куйидагича таъриф келтирилган:

Услуб - турмуш ходисаларини танлаш, ўрганиш, идрок этиш ва тасвирлашнинг асосий воситаси бўлиб хисобланади. Метод воелиқдан материал танлаш, уни умумлаштириш, бадий ёритишнинг тарихий давр принципларидир. Ижодий метод эстетик идеал ва ёзувчининг дунёкараши билан узвий боғлиқдир. Ижодий методлар турли даврларда турли хил бўлган.

Стиль - Ёзувчи ижоди учун характерли бўлган ифодалаш йўли, гоёлар бирлиги, дунёкарашнинг умумийлиги, ифодалаш усули. [II,50,90]

Замонавий адабиётшуносликда “услуб” термини икки маънони – маълум бир ижодкорнинг ва ижодкорлар гуруҳининг ифодалаш усулини англатади. Айрим адабиётшунослар услубни методнинг конкрет кўриниши деб тушунтиришса, айримлари хар иккисини ҳам бир ходиса деб карайдилар. Методнинг ўзгариши услубга, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатади. Алохида олиб каралганда бирор асарнинг услуби ижодкорнинг бутун ижодига хос услуб тараккиётнинг боскичларидан биридир.

Услубнинг кандай бўлиши ёзувчи талантининг йўналишига ҳам боғлиқдир. Услуб ходисаси традиция, адабий таъсир масалалари билан ҳам боғлиқ. Услуб жуда мураккаб ходисадир. Уни, кискача, маълум бир методология билан курулланган, ижодкорнинг ўзига хос ифодалаш усули, бадий идрок килиши деб таърифлаш мумкин.

Услуб- бу гоёвий эстетик хусусиятлар йигиндисидир. Услуб ёзувчининг факат ўзигагина тааллуқли бадий тасвирлаш махорати, унинг дунёкараши, хаёт тажрибаси, хикоялаш оханги, лексик ва стилистик тайёргарлиги, бир сўз билан айтганда, бадий асарларининг мазмуни ва шаклига кўчган унинг ўз индивидуал киёфасидир. [II,50,91]

Метод услубга нисбатан умумий тушунчадир. Методни образли маънода сахна деб фараз киладиган бўлсак, услуб шу сахнада кўйиладиган спектаклдир. Спектакллар бир-бирига хеч қачон ўхшамаганидек, услублар ҳам бир-бирига хеч ватк ўхшамайди. Шунинг учун йирик адабиётшунос

олим Л.И.Тимофиев услубни бадиий методнинг индивидуал, конкрет ифодаси деб тўғри кайд этади. У ёзади: “Методда аввало ёзувчини бошка, ўзига якин ёзувчилар билан боғлайдиган умумий томонлари кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутк оханги ва хоказолар кўзга ташланади”. Чунки услуб тематикада ҳам, идеологияда ҳам, сюжетда ҳам, образларда ҳам, композитсияда ҳам- хуллас барча соҳада кўринадиган гоёвий – бадиий ўзига хослик, ранг-барангликдир. [II,46,67]

Ёзувчининг услуби - Ёзувчининг бадиий характер яратишдаги ўзига хос тили, тасвирлаш манерасидир. Хар бир чинакам ижодкор ўз услубига эга бўлади. Масалан, Купер асарларидаги юксак бадиийлик, фикрларнинг теранлиги билан, тилининг ўзига хослиги билан бошкалардан ажралиб туради. Услуб ижодкорнинг ўзлигини, мустакиллигини белгилайди. Аммо услубни ёзувчи ўзи ўйлаб чиқарган нарса деб караш керак эмас.

Ижодкор ўзидан аввалги адиб ва шоирларнинг асарлари билан танишар экан, улардан ўрганади. Ёзувчи воқеликдаги ходисаларни, кишиларни типиклаштириш асосида тасвирлайдими ёки воқелик тугдирган таассуротлар асосида ўзи янгича образлар, хаёлий ситуациялар ва характерлар яратадими, бу воқеликка бўлган икки хил муносабатдир. [II,50,34]

Метод санъаткорнинг асар яратиш учун зарур бўлган умумий принципларини белгилаб беради. Шу сабабдан, метод принциплари кўпчилик ёзувчилар учун умумий бўлади. Масалан, романтизм хаётда айнан ўхшаш бўлмаган идеал образлар, фантастик сюжетлар яратиш принципларини такозо этади.

2.2 Услужий воситалар ва уларнинг кулланилиши

Лексик стилистик воситалар

Метафора (metaphore) - Икки предметнинг ўхшаш сифатини кўрсатиш учун бошқа маънода ишлатиладиган сўз ёки фраза. Адабиётда бирор холат ёки фикрни ифодалаш учун ишлатилади. Ирина Владимировна Арнольднинг “Стилистика современного английского языка “ китобида метафора куйидагича таърифлаган – метафора бир предметни бошқа бир предмет номи билан аташ оркали киёслаш ва шу йўл билан унинг муҳим бир хусусиятини кўрсатиш. [II,18,16]

Арнольд, шунингдек кенгайтирилган метафорага ҳам таъриф бериб ўтган. Унинг фикрича, кенгайтирилган метафора метафорик жихатдан кўлланган бир неча сўздан иборат бўлади ва улар бир-бирини тўлдириб битта образ яратишга хизмат қилади. [II,6,14]

И.Р.Галперин ўзининг "Stylistics" китобида метафорага куйидагича таъриф берган - метафора бу икки предметнинг маълум хусусиятлари ўхшашлигига асосланган лугавий ва контекстуал логик маънолар орасидаги муносабат. Галперин метафорани икки гуруҳга бўлган: эскирган ёки йўқолиб бораётган (trite mataphore) ва янги ифодали метафораларга (genuine mataphore). " A ray of hope ", "floods of tears", "a storm of indignation", "a shadow of a smile" каби бирикмалар эскирган , яъни кўп кўлланган метафораларга мисол бўла олади. Эскирган ёки йўқолиб бораётган метафораларни янгилаш мумкин. Бундай метафоралар янгиланган (sustained or prolonged) метафоралар дейилади.

Метаномия(metonymy)- Бу бир предметнинг номининг унга боғлиқ бўлган бошқа бир предмет номи ўрнида ишлатилишидир. Масалан" Британия Бош Вазири ўрнида - Downing street сўз бирикмаси журналистлар томонидан кўлланилар экан.

Арнольднинг таърифича, метаномия бу икки предметнинг ўзаро алоқадорлиги, боғликлигига асосланган услубий воситадир. Унда бир предметнинг номи ўрнида у билан ички ва ташқи жихатдан ўзаро боғлиқ

бўлган предметнинг номи ишлатилади. Бу алокадорлик предмет ва у таркиб топган жисм ўртасида, одамлар ва улар жойлашган жой ўртасида, жараён ва унинг натижаси ўртасида, бирор фаолият ва унинг курали ўртасида бўлиши мумкин.

Галпериннинг фикрига кўра эса, метонимия лугавий ва контекстуал маънолар орасида муносабатларга асосланади. Бу муносабат икки предмет орасидаги ўхшашликка эмас, балки алокадорликка асосланган бўлади. Масалан, тож (crown) сўзининг кирол ёки киролича (queen or king) ўрнида стакан ёки пиёла (cup or glass) унинг ичидаги ичимлик ўрнида ишлатилиши метонимияга мисол бўла олади. [II,6,32]

Шунингдек Hand сўзининг worker ўрнида , Cradle (бешик) сўзининг infancy (болалик), grave (кабр) death (ўлим) сўзи ўрнида ишлатилиши энг кўп кўлланиладиган метонимиялардан бўлиб хисобланади. метонимияга асос бўлган алокадорлик турларининг асосийлари куйидагилар:

1. Конкрет предмет абстракт предмет ўрнида ишлатилади. Бунда предмет абстракт тушунчанинг рамзи бўлади - For rich men's sons are free ;
2. предмет ўрнида у жойлашган жой номи ишлатилади. The hall applauded ;
3. Якинлик муносабати - the round game table was boisterous and happy..;
4. предмет ўрнида у таркиб топган жисм ишлатилади. The table spoke ;
5. Иш ёки бажарувчи ўрнида иш курали ишлатилади. As the sword in the worst argument that can be used, so should it be the last.

Синекдоха (synecdochy)- Метонимиянинг бир кўриниши бўлган синекдоха бутуннинг номини унинг бирор қисми билан, умумий нарсанинг номини унинг бирор бўлагини номи билан, кўплик сон номини бирлик сон номи билан, бирлик сон номини кўплик сон номи билан ифодалашда намоён бўлади. [II,6,43]

Арнольднинг кайд этишича , ear ва eye сўзларининг бирликларда кўлланилиши синекдоханинг хусусий бир кўринишидир. Инглиз ва рус тилларидаги плуриатантумнинг бирликда кўлланилиши стилистик бўёқдорлик касб этса, ўзбек тилида эса бундай эмас. Кўз, кулок, оёк, кўл каби

тана аъзолари жуфт бўлгани холда, улар ўзбек тилида бирлик сонда кўлланилади. Бу, албатта, тиллараро лугавий ассиметриянинг намоён бўлишидир.

Киноя (irony) - Галпериннинг таърифича, киноя бу лугавий ва контекстуал маънолар асосидаги муносабатга асосланган стилистик восита бўлиб, бу икки маъно бир-бирига карама-карши бўлади.

Масалан, It must be delightful to find oneself in a foreign country without a penny in one's pocket. Мисолдаги delightful ўз лугавий маъносига карама-карши маънода келган. Кўп холларда кинояни интонациядан билиш мумкин.

Арнольднинг фикрича, киноя бу сўзнинг ўз лугавий маъносига карама-карши ишлатилиши оркали кулгининг ифодаланишидир. Масалан, ёлондан макташ, аслида унинг замирида танкид ётади. [II,6,37]

Жонлантириш (personification) - Арнольд ўзининг “Стилистика современного английского языка” китобида жонлантиришни инсон хусусиятларининг жонсиз предметларга ўтиши деб таърифлайди. Унинг фикрича, инглиз тилида бундай сўзлар he ва she олмошлари билан алмаштирилиши, қараткич келишигини олиши ҳамда нутқ, аклий қобилият, хоши ва боша инсонга хос бўлган хусусиятларни билдирувчи феъллар билан келиши мумкин. Баъзан жонлантириш бош ҳарф билан белгиланади.

Enumem (epithet) - Арнольднинг таърифлашича, сифатлаш бу лексик-семантик услуб бўлиб, аникловчи ёки холнинг турларидан ҳисобланади. Масалан, a silvery lough, to smile cuttingly .

Лекин сифатлаш оддий аникловчидан фарқи шундаки, унда муаллиф предметга бўлган муносабати ифодаланади. Кўпгина сифатлаш вазифасида сифат ва равиш кўлланади, лекин сифатлаш от билан ҳам ифодалиниши мумкин. [II,14,42]

Масалан, My true love, my own true love, sweet love, wide world каби эпитетга мисол бўла олади. Эпитет икки лексик маъно, яъни асосий мантикий асосланган стилистик усулидир. Эпитет тасвирланаётган киши, нарса, ходиса ёки воқеликнинг ажратиб кўрсатилаётган бирор белгисига,

хусусиятига, сифатига асосланган ифодалаш воситасидир. Мантикий аникловчи объектив характерга эга бўлиб, муаллифнинг муносабатини ифодалайди. Масалан, темир дарвоза, темир ирода.

Гипербола (hyperbole) - Галпериннинг таърифича, гипербола бўрттириб кўрсатиш ёки муболага килиш бўлиб, унинг мақсади предметнинг маълум бир хусусиятини кучайтиришдир. Кўп қўлланилган гиперболалар ўзининг стилистик восита сифатидаги хусусиятини йўқотади ва тил бирлигига айланади. [II,53,56]

Масалан, “ a thousand pardons”, “scared to the world to see him” кабилар тил гиперболасига мисол бўла олади. Арнольднинг фикрича, гипербола бу фикрнинг экспрессивлигини ошириб, унга эмпатик характер берадиган муболагадир.

Ўхшатиш (simile) - Бу икки предметни бир-бирига “ like” ёки “ as” сўзлари орқали киёслаб бирини тасвирлашдир.

Масалан, “ He eats like a pig” –“ у чўчкага ўхшаб йейди” мисолида буни кўриш мумкин. Галперин ўзининг “ Stylistics” китобида бу стилистик восита хақида кенгрок, тўлирок маълумот беради. Унинг таърифича, ўхшатиш бу бир предметнинг маълум бир хусусиятини кучайтиришдир. У like, as, such, as, as if ,seem сўзлари билан қўлланилади. Лекин simile -ўхшатишни оддий ўхшатишдан фарқлай олиш керак. Чунки оддий ўхшатишда бир синфга мансуб бўлган предметлар киёсланади.

Масалан, “ The boy seems to be as clever as his mother” мисолида оддий ўхшатиш, чунки boy (бола) ва mother (она) бир синфга, яъни инсонга киради. Лекин “ Maidens like moths are ever caught by glare ” мисолида биз стилистик восита бўлмиш ўхшатишни кўрамыз, чунки Maidens (из) ва moths (капалак) икки турли гуруга мансуб тушунчалардир.

Инглиз тилида хайвонлар ва одамлар киёсланган бир катор кўп қўлланадиган ўхшатишлар мавжуд. [II,53,61]

Масалан: sly as a fox - тулкидек айёр, industrious as an ant - чумолидек менаткаш, blind as a bat (кўршапалқдек кўр), faithful as a dog (ит каби

вафодор), to work like a horse (отдай ишлаш), to fly like a bird (кушдек учиш), to swim like a duck (ўрдакдек сузиш), stubborn as a mule (эшакдек кайсар), hungary as a bear (айикдек оч), т thirsty as a camel (туядек чанкаган), proud as a peacock (товусдек магрур).

Оксиморон (oxymoron) - Арнольднинг таърифича, оксиморон бу зид маънолар асосида мутлако кутилмаган, янги маънони хосил килувчи услублардан биридир. Галперин изох беришича эса, оксиморон бу икки карама-карши маъноли сўзларнинг бирикишидир. Масалан, “low skyscraper” - “паст осмонўпар”, “sweet sorrow-ширин кайгу”, “pleasantly ugly face - ёкимли хунук юз”, “horribly beautiful - дашатли чиройли”, “deafening silence -кулони коматга келтирадиган сокинлик”, “nice rascal -ажойиб каллоб”. [II.53.162]

Кўпинча оксиморон сифатнинг от ёки равишнинг сифат структурали бирикмалар учрайди. Аникловчи сўзининг асосий маъноси сусайиши ёки ўзгариши мумкин. Бундай холатда оксиморон ўзининг стилистик таъсирларини йўкотади. “Awfully nice”, “Awfully glad”, “Terribly sorry” каби бирикмаларда бу ходисани кузатиш мумкин.

Перифраза (periphrases) - Галперин перифразани бир предметнинг маълум бир хусусиятини кўрсатиш учун уни бошқа ном билан аташдир деб таърифлайди. Галперин перифразани тил перифразали ва нутк перифразага бўлади. Тил перифразалари кўп кўлланилади ва контекстдан ташкарида ҳам тушунарли бўлади. Масалан, “a play of swords”(киличлар ўйини), battle (жанг), “shield-bearer” -(калон эгаси)- warrior(жангчи), “the protector of earls(графлар химоячиси), king(подшо) кабилар перифразага мисол бўла олади. Масалан, “I understand you are poor, and wish to earn money by morning the little boy my son, who has been so prematurely deprived of what can never be replaced”. [II,53,75]

Бу мисолдаги “what can never be replaced” она сўзига перифраза бўлиб хисобланада.

И.Р.Галперин, шунингдек стилистик перифразани мантикий ва метафорик перифразага бўлади. Метафорик перифраза метафора ёки метонимияга асосланган бўлади, мантикий перифраза эса предметнинг ўзига хос бирон-бир хусусиятига асосланган бўлади.

И.В.Арнольд таърифига биноан, перифраза бу предмет номининг ўрнида унинг асосий хусусиятларини ифодаловчи бирикма ёки сўзнинг ишлатилиши. Масалан, “ The horse “ўрнида “the beast that bears me” ишлатилади.[Ш.7.156]

Аллегория(allegory) - Макмилландаги таърифга биноан, аллегория бу хикоя, пьеса ёки шеърли маънавий, диний ёки сиёсий гояни ифодалаш учун воқеа-ходиса ёки характерларнинг рамз сифатида ишлатилишидир. Бу стилистик восита манбаларда куйидагича изоҳланади:

И.В.Арнольднинг таърифича, аллегория бу мавхум фикрнинг муфассал бадий образда ифодаланишидир. Хайвонлар, табиат ходисалари ва предметлар рамз бўлиб хизмат қиладиган масал ва эртақлар аллегорияга мисол бўла олади.[Ш.7.43]

Аллегория ҳам сўзларнинг кўчма маъносига асосланади. Муаллиф абстракт (мавхум) тушунчалар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ниятида уни бирор хусусияти билан яқинлашадиган конкрет предметлар орқали бадий қилиб тасвирлаб беради. Масалан:

Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,
Итга берсанг ошингни, итлар гажир бошингни. (макол)

Мисоллардаги ит сўзи ўзининг предметлик маъносида ишлатилмаган. Аллегория кўпроқ макол, эртақ жанри учун характерланади.

Антономазия (antonomasia) - Арнольднинг китобида таърифланишича, антономазия бу адабиёт, тарих, афсона ва шу қабиларда кенг оммалашган шахс исмини шу шахс хусусиятларига эга бўлган шахс номи ўрнида метафорик қўллашдир. Масалан рашкчи ўрнида Отелло, синчков киши ўрнида Шерлок Холмс каби. Ўз фикрини асослаш учун муаллиф В.Шекспирнинг СХІХ сонетидан олинган куйидаги мисрани келтиради:

What potions have I drunk of siren tears.

Мисрадаги Сиренани муаллиф сонетлар гўзали маъносида шархлайди. Маълумки, юнон мифологиясида ўз тароналари билан денгизчиларни махлиё этиб, уларни халок қилиш билан шугулланган ярим киз- ярим кушлар шундай ном билан аталган.

Л.Т.Бобохонова антономазияни атокли отларнинг турдош отлар маъносида ва аксинча, турдош отларнинг атокли отлар маъносида кўлланишига асосланган ходиса деб таърифлайди. Масалан, Тўлқин, Ойдин, Эркин исмларини олайлик. Булар турдош отлардан тузилган атокли отлардир. [II,15,43]

Эвфемизм (euphemism) - тилда аллақачон номланган тушунчаларни қайта аташ учун яратилади ва кўпол, ёқимсиз сўзлар ўрнида ишлатилади. Масалан, “ ахмок” ўрнида “ ақли қиска”, “ кар” ўрнида “ қулоғи оғир, “ўғри” ўрнида “ кўли эгри”, “ўлмок” ўрнида “оламдан ўтган” ва хоказолар.

Масалан, poverty ўрнида Social exclusion ишлатилади.

И.Р.Галпериннинг таърифича, эвфемизм бу перифразанинг бир тури бўлиб, ёқимсиз сўз ёки бирикма ўрнида ишлатиладиган юмшокрок сўз ёки фраза. Масалан, to die сўзи ўрнида қуйидаги эвфемизмлар ишлатилади: : to pass away, to expire, to be no more, to depart, to join the majority, to be game.

“They think we have come by this horse in some dishonest manner”.

Мисолдаги ажратиб кўрсатилган қисм ”steal” (have stolen) ўрнида ишларилган.

Эвфемизмнинг қуйидагича турлари мавжуд:

- | | |
|------------|------------------|
| 1) диний | 3) тиббиётга оид |
| 2) ахлокий | 4) сиёсий |

Шуни айтиш керакки, эвфемизм тилда узок вақт сақланмайди, ҳар хил ўзгаришларга учраши мумкин. [II,53,74]

Ундов сўзлар (interjections) - Изохли лугатдаги таърифига кўра, ундов сўз бу қучли хайратни ифодалаш учун ишлатиладиган сўз ёки фраза. “Oh” ва “ouch” бўлса мисол сифатида берилган.

Ундов сўзлар мантикий ва эмоционал маънолар ўртасидаги муносабатга асосланган стилистик воситадир. И.Р.Галпериннинг таърифича, ундай сўзлар хис-туйгуни кучли ифодалашда ишлатиладиган сўзлардир.

Масалан, “Oh, where are you going to , all you Big Steamers?” (Киплинг)

Ундов сўзлар кувонч, завк, маъкуллаш, ачиниш, кайгу, гам-гусса, таъна, гина , эътироз каби маъноларни ифодалаш мумкин. Ундов сўзлар икки гуруҳга бўлинади: а) бирламчи б) ясама.

Бирламчи ундов сўзларга Oh! Ah! Pooh! Gosh! Hush! Alas!, кабилар ясма ундов сўзларга эса Heavens! Good gracious! Dear me! Good! By the lord! God knows! Bless me! Hum bug! кабилар киради. [II,14,67]

Зевгма (zeugma)- Стилистик воситалардан яна бири бўлмиш зевгма. И.Р.Галперин ўзининг “ Stylistics ” китобида таърифланишича, зевгма бу сўзнинг контекстдаги икки ёндош сўзга нисбатан бир хил грамматик, лекин турли хил семантик муносабатда ишлатилишидир. Бу семантик муносабат бир томондан ўз маъносида, иккинчи томондан кўчма маънода бўлади.

“Dora, plunging at once into privileged intimacy and into the middle of the room”.Б.Шоу)

Бу мисолдаги to plunge сўзи ҳам ўзининг лугавий маъносини, ҳам кўчма маънода (to plunge into privileged intimacy) ишлатилган.

Сўз ўйини (pun) - Pun /noun/[c] Linguistics a humorous use of a word that has two meanings, or of words with the same sound but different meanings. For example in the sentence “The violinist spent the night in a vile inn”, vile inn (-poorhotel) sounds like a violin.

Macmillan English Dictionary га биноан, Pun (сўз ўйини) бу икки маънога эга бўлган сўзнинг юмористик жихатдан ишлатилиши. Масалан, лугатдаги мисолда берилган “vile inn” (гариб мехмонхона) ва “violin” (скрипка) сўзлари бир хил талаффузга, лекин турли хил маъноларга эга.[II.54.148]

Галпериннинг таърифига кўра, Pun бу сўзнинг асл ва мантикий маъноларига асосланган стилистик воситадир. Zuegma ва Pun бир-бирига чамбарчас богликдир.

Куйидаги мисолда Pun ни кўриш мумкин:

“The woods are lovely, dark and deep,

But I have promises to keep,

And miles to go before I sleep”.

And miles to go before I sleep,

Ўзбек тили стилистикасига оид китобларда, жумладан, А.Шомаксудов, И.Расуловларнинг “Ўзбек тили стилистикаси”, Б.Ўринбоев, Р.Кунгуровларнинг “Бадий текстнинг лингвистик тахлили” китобларида услубий воситаларга меъзис, антифраза, сарказм, символ кабилар киритилган. Лекин инглиз тили стилистикасига оид китобларда булар берилмаган.[II.46.59]

Сарказм (sarcasm) - грекча sarkasmos сўзидан олинган бўлиб, кичик шарманда, истезоли таъна, пичинг демақдир. Сарказм тасвирланаётган ёки мурожаат қилинаётган киши ёки нарсадан авторнинг устунлик билан пичинг қилишидир. Сарказм, кўчма маънога эга бўлмайди. Бунга кўпроқ шахс-предмет ёки воқеа-ходисанинг салбий томонлари фош қилинади.

Символ (symbol) - метафоранинг бир кўринишидир. Бадий нутқда тушунча ва предметлар ифодаси учун сўзларнинг маълум равишда кўчма маънода ишлатилиши символ дейилади. Масалан, тонг-ёшлик, бахт ранги, тун-бахтсизлик рамзидир. [II,53,78]

Апострофа (apostrofa) - да жонсиз нарсага жонли нарсасдек мурожаат қилинади. Гапириляётган пайтда бўлмаган кишига шу ерда иштирок этаётгандек мурожаат қилиш ҳам апострофанинг кўринишларидан биридир.

Фонетик стилистик воситалар

Хар бир адабий-бадий асар, шеърий еки насрий бўлишидан катъий назар сўзга тегишлидир. Натижада, маълум бир товушлар мослашувини ўзида мужассам этади. Бундан сўзлар, фразалар, гаплар ва хоказоларнинг

мослашуви келиб чикади. Муסיкий эстетик эффект факат товушларга оид элементлар воситасида эмас, балки булар яхлит бўлганлигини курсатади.

Бадий асарнинг фонетик томони маъно ва ритм билан биргаликда бир бутунликни ташкил этади, улардан алохида холда китобхонга таъсир ўтказолмайди.

Эстетик таъсирга эга бўлиш учун асарнинг фонетик ритмда туриши ва ўзига эътиборни жалб қилиши керак. [II,15,21]

Фонетик стилистик воситалар бадий асар таъсирчанлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Асосий фонетик стилистик воситаларга аллитератсия, ассонанс, ритм, кофия, таклид сўзлар киради.

Таклид сўзлар (onomatopoeia) - Ономотопия бу товушга ва холатга таклидни билдирувчи сўзлардир. "Buzz" ва "thud" сўзлари каби ўзи тегишли бўлган товуш каби эшитиладиган сўзларни ишлатишдир. Ономотопия ёки таклидий товушлар бу турли сўзлар ва ҳар хил товуш бирикмалари воситасида бирор табиий товушга таклид қилиш йўли билан амалга оширилган товушлардир". Масалан, "чик-чик", "тип-тип", так-тук" кабилар бунга мисол бўла олади.

Маслан:

The cock is crowing,	The lake does glitter,
The stream is flowing,	The green fields sleep in the sun.
The small birds twitter,	

Аллитератсия (alliteration) - Alliteration –noun[u] Literature, the use of the same letter or sound at the beginning of words in a sentence, especially in poetry.

Аллитератсия бу гапда, айниқса, шеъриятда сўзларнинг бошида бир хил ҳарф ёки товушнинг ишлатилишидир. Аллитератсиянинг вазифаси матнда кўшимча нуткий оҳангдорликни яратишдир. Унинг моҳияти гапдаги бир хил товушлар билан бошланган сўзларнинг такрорланишидир. Масалан:

"And the day is dark and dreary "

"Above the liling house and happy as the grass was gross...

And once below a time I lordly had the trees and leaves... [II,53,58]

килинишида муҳим стилистик воситадир. Мана шунинг учун ҳам синтактик фигураларни маълум даражада нутк мусикаси деб аташ мумкин.

Гап курилишидаги ўзига хос махсус кўлланишларга, алоҳида гап шакллари юзага келтирувчи эмоция ифодалаш учун хизмат қилувчи воситаларга, синтактик стилистик воситалар дейилади. Бу воситалар ёрдамида махсус ифодалар яратилиб, улар бетараф синтактик белгилардан тубдан фарқ қилади. [II,15,42]

Синтактик стилистик усул деганда мавжуд морфологик, синтактик ва стилистик қоидаларидан чекиниш тушунилади, аммо бу чекиниш хато деб қаралмайди, балки ўз шахсий мулоҳазасининг юзага келиши деб тушунилади. Маълумки инглиз тилидаги дарак гап катъий сўз тартибига эга: эга + кесим + тўлдирувчи ва хоказо. Бу сўз тартибининг ўзгариши гап мазмунини ўзгаришига олиб келади.

Ёзма нутқда муаллифлар фикрининг оҳангини кўрсатиш даражаси турли тилга оид бўлган лисоний ва тилга оид бўлмаган воситалардан фойдаланилади. Синтактик стилистик таъсир воситалари ўз туб моиятига кўра оғзаки нутк хусусиятларига яқин туради. Таъсирчанликнинг вужудга келишида сўзловчининг хаяжонланган ҳолати ҳам муҳим омил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда сўзловчи гапнинг айрим қисмларини ташлаб кетади. Натижада эллипсис ишлатилади, баъзан бир сўзнинг ўзи қайта-қайта такрорланади (такрор ишлатилади). Сўзловчи ифодалаётган фикрнинг асосий мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, гапда сўз тартибини ўзгартириш мумкин (инверсия). Баъзи ҳолларда сўзловчи бирон қимсага бўлиб ўтган воқеанинг пайдо бўлишининг сабаб ва оқибатларини бирма-бир санаб, тасвирлаб беради, бу ҳолларда санок ва градация ишлатилади. [II,1,43]

Оғзаки нутқда риторик сўрок гаплар, зид маъноли сўзлар ва бошалар кўп қўлланилади. Ана шундай гаплар тузилишидаги ўзгаришлар натижаси сифатида кўшимча маъно пайдо бўлади.

Синтактик стилистик усулларда яна бири кўп боғловчилик (полисиндетон). У ҳам тасвирий восита сифатида кенг қўлланади. Буларнинг

хаммаси огзаки нуткда эмоционаллик хамда таъсирчанликни юзага келтиради.

Хамма синтактик стилистик воситаларни учта гуруга бўлиш мумкин:

1. Нуткнинг огзаки шаклдаги хусусиятига асосланган синтактик стилистик воситалар;
2. Богловчилар ишлатилишига асосланган синтактик стилистик воситалар;
3. Таркибий маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик стилистик воситалар.

Асосий синтактик фигураларга инверсия, параллел курилмалар, хиазм, такрор, эллипсис, риторик сўрок, асиндетон, полисиндетон кабилар.

Инверсия (*inversion*) - И.В. Арнольднинг таърифлашича, инверсия бу гап бўлакларининг одатий тартибини ўзгартиришдир. Натижада бир гап бўлаги ажратилади, эмоционаллик ва ифодавийлик касб этади. Масалан:

“Flowers! You wouldn’t believe it, madam, the flowers he used to bring me “.

“White ! He turned as white as a woman”

Инверсиянинг куйидаги холатлари мавжуд: [II,53,49]

Ажратилган тузилмалар (*detached constructions*) - Ажратилган тузилмалар гапнинг иккинчи даражали бўлагини ажратиш йўли билан хосил қилинади. Бу ажратиш ургу ёки вергул ёрдамида ифодаланади. Огзаки нуткда эса бу ажратишлар оханг ёрдамида белгиланади.

Профессор И.Р.Галпериннинг фикрича, бундай тузилмалар нуткнинг огзаки ва ёзма турларини бир-бирига яқинлаштиради. Ажратилган тузилмалар инверсияга яқин туради ва гапда доимий боғланишларни бузиб, айрим гап бўлакларини ажратиб кўрсатади.

Масалан: “She was lively: all of her “delightful”. [II,14,73]

Параллел курилма (*parallel construction*) - Параллел курилмаларда гап курилиши, унинг айрим қисмлари бир хилда тузилган бўлади. Бошқача айтганда, бир гапнинг таркиби бошқа гапда такрорланади.”[13,100-о35 расм]

Галперин параллел курилмаларни тўла ва қисман параллел курилмаларга бўлади.

Масалан:

Тўла параллел урилмалар доим такроп билан келади

“The seeds ye sow- another reaps, The arms ye forge – another bears”.

The robes ye weave – another wears,

Хиазм (*chiasmus*) - Хиазм синтактик тузилманинг такророга асосланган стилистик воситалар гурухига киради, лекин унда сўз ва фразалар тескари тартибда бўлади. Уни тескари параллел курилма деб ҳам аташ мумкин.

Масалан, “As high as we have mounted in delight,

In our dejection do we sink as low”. [II,53,47]

Баъзан хиазм бирданига аниқ нисбатдан мажхул нисбатга ёки аксинча мажхул нисбатдан аниқ нисбатга ўтиш оркали вужудга келади.

Масалан: “In the days of old men made the manners; Manners now make men”.

Бу мисол лексик хиазмга мисол бўлади. Хиазм куйидаги тузилмаларда, боғланган кўшма гапларда, эргашган кўшма гапларда, жуфт содда гапларда намоён бўлади, хиазмнинг лексик ва синтактик турлари мавжуд. Лексик хиазмларда ўз –ўзидан ҳеч қандай синтактик инверсия ҳосил бўлмайди.

Масалан: “Тарих инсонни яратмайди, инсон тарихни яратади”.

Бу мисолда ҳар иккала қисмда ҳам сўз тартиби тўғридир. Синтактик хиазм параллел тузилмаларни ёки умуман бир хилликни бузиш учун қўлланилади.

Такроп (*repetition*) - Такроп деб товуш, сўз, морфема, синоним ёки синтактик курилмалар такрорланишига асосланган нутқ фигурасига айтилади. Такрорнинг сони турлича бўлиши мумкин. Такроп ифодавийликни кучайтиради.

Масалан: “ Fight your little fight, my boy,

Fight and be a man”.

Такрорнинг бир нечта турлари мавжуд:

1. *Анафора (anaphora)*- такрорнинг мисра бошида келиши.

М: For want of a horse, the rider was lost,

For want of a rider, the battle was lost.[II.5365]

Macmillan English Dictionary лугатида унга куйидагича таъриф берилган:
Anaphora /noun/ [u] Linguistics, the use of a word such as a pronoun or the verb “do” in a sentence instead of repeating the word used earlier. Examples of anaphora are the use of the word “she “ in the sentence “ Sue was hungary when she got home “ or the word “ does” in the sentence “ I love pizza and so does my brother”. [II.54.28]

2. *Епифора(epiphore)* - Гап ёки фраза охирида келадиган такрорий сўзлардир.
М: “ I am exactly the man to be placed in a superior position in each one as that, I am above the rest of mankind, in such a case as that, I am act with pholosothy in such a case as that”.

3. *Халасимон такрор (frame repetition)* - Такрорланувчи бирликлар ўзига хос доира хосил қилиб, синтактик қурилманинг бошида ҳам, охирида ҳам келиши мумкин. [II,53,97]

М: “ Poor doll’s dressmaker! How often so dragged down by hands that should have raised her up; how often 10 misdirected when losing her way on the road and asking guidance. Poor, little doll’s dressmaker

4. *Топилма такрор (anadiplosis)* - Бунда биринчи мисранинг охирида келган бирор сўз иккинчи мисранинг бошида такрорланиб келади.

М: “ Freeman and slave .. carried on an uninterrupted , now hidden , now open fight, a fight that each time ended, either in a revolutionary reconstitutions of society at large, for in the common ruin of the contending classes”.

5. *Тизма такрор (chain repetition)* - Бунда боғловчи восита бир неча марта такрорланиши мумкин.

М:“A smile would come into Mr. Pickwic’s face: the smile extended into a laugh, the laugh into a roar; and the roar became general”.

6. *Ўзакли такрор (root repetition)* - Бу сўзнинг ўзи эмас , балки ўзаги такрорланади.

М: “To live again in the youth of the young.

7. *Синонимик такрор (synonym repetition)* - Айнан битта тушунчани ифодалаш учун синонимлар қўлланилиб, такрорланади.

M:” the poetry of earth is never dead...

The poetry of earth is ceasing never...”

Еллипсис (ellipsis) - МЕД лугатида унга шундай таъриф берилган: “The practice of leaving a word or words out of a sentence when they are not necessary for understanding it”. Яъни бу гапда тушуниш учун зарур бўлмаган сўз ёки сўзларнинг тушириб колдирилиши. Бу тугалланмаган гапни англатади. Еллипсис оғзаки нуткнинг муҳим томонларига асосланган бўлади.

Сўзловчи кучли хаяжонланган ҳолатда бўлганда ўз-ўзидан гапнинг маълум бир қисмларини тушириб колдиради. Аммо бундай боғланиш бузилмайди, маъно маълум мазмун тушунарли ҳолда сакланади. Эллипсис стилистик усул сифатида жипслаштириш ва умумийлаштиришдан ташқари, ифодага кўшимча бир хусусият қиради. Эллипсис шеърятда, макол ва маталларда кўп учрайди. И.Р.Галперин ўз китобида қуйидаги мисолни келтирган: “Nothing so difficult as a beginning”.

Бу мисолда феъл боғлама тушириб колдирилган. [II,54,135]

Санаш (enumeration) - Санаш стилистик восита сифатида ишлатилганда нарсалар, ҳаракатлар, сифатлар гапда тизилиб ишлатилади. Баъзан бу нарсалар ёки ҳаракатлар бир-бирига ўхшаш ёки яқин, бири иккинчисининг жуфти ҳолатида бўлади.

Галпериннинг фикрича санаш бу шундай стилистик воситаки, унинг воситасида гап ёки қурилманинг уюшиқ бўлаклари синтактик нуктаи назардан алоҳида бўлади. У қуйидаги мисол билан буни кўрсатаган:

“Famine, despair, cold, thirs and heat had done

Their work on them by turns, and thinn’d them too.. ” (Байрон)[II.53.71]

Градация (gradation) -Градацияда ҳар бир берилган ибора, уюшиқ бўлақлар ёки гап ўзидан олдингига нисбатан кучлироқ, муҳимроқ, таъсирчанроқ бўлиб боради. Унда кўпинча синонимлар ишлатилади. Градация мантикий, эмоционал ва микдорий бўлиши мумкин.

Мантикий Градация ҳар бир гап ўзидан аввал келган гапга караганда мазмун жихатдан таъсирчанроқ бўлиб боради:

“Thief, pimp, blackmailer, not to mention murderer”.

Эмоционал градатция одатда эмоционал сўзлар ёрдамида ифодаланади. Унда эмоционллаик ошиб боради:

“He was pleased when the child began to adventure across floors on hand and knees; he was gratified, when she managed the trick of balancing herself on two legs; he was delighted when she first said “ta-ta”; and he was rejoiced when she recognized him and smiled at him.” [II,14,67]

Мидорий градатцияга куйидаги мисолни келтириш мумкин:

“They looked at hundreds of houses; they climbed thousands of stairs; they inspected innumerable kitchens”.

Бу мисолдаги Hundreds, thousands, innumerable сўзларида микдорий даражаланишни кўриш мумкин.

Полисиндетон (polysyndeton)- Полисиндетон ёки кўп боғловчилик бу гапда уюшиқ бўлақларни боғлаш учун боғловчилар сонини атайин кўпайтириш оркали уларнинг ҳар бирининг ролини алоҳида кўрсатиш ва нутқ таъсирчанлигини оширишга асосланган стилистик фигура.

И.Р.Галпериннинг таърифича, полисиндетон гап, фраза ва синтагмаларни боғлашда боғловчи ва предлогларни кўллашга қаратилган стилистик воситадир.

Масалан:

“Should you ask me , whence these stories?	With the dew, and damp of meadows,
Whence these legends and traditions,	With the curling smoke of wigwams,
With the odours of the forest,	With the rushing of great rivers,
	With their frequent repetitions, ...”.

Юкоридаги мисолда ҳам боговчи, ҳам предлогни кузатиш мумкин.

Асиндетон (asyndeton) - Асиндетон содда гапдаги уюшиқ бўлақлар ёки кўшма гапдаги предикатив қисмлар орасидаги боғловчисиз боғланишга асосланган стилистик воситадир. Асиндетон стилистик восита бўлиши учун, боғловчи адабий тил нормаларига биноан қутилган жойда тушириб қолдирилиши зарурдир. [II,53,58]

M:” Soames turned away; he had an utter disinclination for talk, like one standing before an open grave, watching a coffin slowly lowered”.

Риторик сўрок (rhetorical question) - Риторик сўрок бу жавоб талаб килмайдиган сўрок гапдир. Галпериннинг фикрича, риторик сўрок бу сўрок гап шаклидаги дарак гапдир.

Лингвистик терминлар лугатида риторик сўрокка жавоб талаб килмайдиган, ўзида тасдик ёки инкорни мужассам этган, савол кўринишидаги гап деб таъриф берилган. [II,50,87]

Масалан: “Are there remedies for a starving and desperate populace?”

Литота (litote) - Литота бу тасдик ўрнида инкорнинг ишлатилишидир. Масалан, “not unreasonable” (reasonable ўрнига) литотага мисол бўла олади. Литота бадиий адабиётда бирор нарса, воқеа ва тушунчанинг ижобий белгисини кичрайтириб, заифлаштириб, кучсизлантириб тасвирлаш усулидир. Масалан, “яхши “ дейиш ўрнига “ ёмон эмас” дейиш мумкин. Литотадаги инкор юкларга доим кучли ургу тушади, бу эса уни оддий инкор гаплардан ажратиб туради, чунки оддий инкор гапларда инкор юкларга ажратилиб талаффуз этилмайди. Литота одатда бадиий услубда кўлланилади. [II,6,53]

Масалан: “ He was not without taste”.

2.3 Купер асарлари таржималарида услубий воситаларнинг берилиши муаммоси

Ф.Купернинг(1789-1851) АКШда машхур ёзувчилардан булиб, у Америка адабиётида тарихий роман жанрига асос солган ижодкордир. Унинг ижоди демократизм, инсонпарварлик, оддий кишилар ҳаётини ақс еттириши билан эътиборга лойиқдир. [Ш,11,123]

Ёзувчининг “Изкувар”(1840), “Овчи”(1841) каби романлари унинг индеец кабилалари ҳаётини ақс эттирувчи, машхур “Чарм пайпок” хақидаги романлари ичига киради. Бу романлар таркибига “Пионерлар”1823,”Сўнги Могиқан”(1826), “Прерия”(1827) лар ҳам киради. “Чарм пайпок” тўғрисидаги бешта романинг умумий қаҳрамони овчи Натти Бамподир. Баъзи номлар таржимасига мисол: The loyal servants of the British Crown had given to one of these forest fastnesses the name William Henry, and to the other that of Fort Edward;

Инглиз тождорининг содик тарафдорлари киро́л хонадонидан бўлган шахзодалар шарафига бу истехкомлардан бирини Уилям Генри қалъаси, бошқасини еса Едвард қалъаси деб аташарди.(3)

Бу ўринда биз William Henry ва Fort Edward қалъалари номларига эътибор берайлик. Бу номлар кўчма маънода эмас, балки номсиз қалъаларни инглиз амалдорлари номи билан атаганлар. Henry сўзидаги “Н” товуши ўзбек тилида ҳам бор, уни “Генри” ‘эмас, балки”Хенри” деб бериш керак эди. ” William “ сўзидаги лабланган “W” товуши ўзбек тилидаги “В “ билан берса бўлар эди, яъни “ Уилям” эмас, “Вилям” бўларди.

Иккинчи ном Fort Edward даги Форт сўзи таржимаси ўзбек вариантыда ташлаб кетилган. Китоб номи “Mohicans” сўзини ҳам юкоридаги “h” товуши билан бериб, уни “Мохиканлар” деб ўгириш керак эди.

Биз Ф.Купер асарларидаги стилистик воситалар: ўхшатиш, метафора, метонимия, эпитет, гипербола, антономасияга тўхталамиз. Уларни умумий қилиб “услубий воситалар” деб атадик ва улар таржимасини таҳлил қиламиз.

Ф.Купер асарларида кўпроқ, ”Сўнги Могикан” да “Hawk Eye”, ”Pigeon”, “Bloody Pond”, “Dog Ear”, “Great Snake”, “Salt Lake” каби услубий воситалар учрайди.

Ёзувчи асар кахрамони Натти Бампони ок танли идеал киши, индеецлар дўсти сифатида тасвирлайди, у индеецларга дўст бўлгани учун улар удумларини урф-одатларини ўрганади, унинг уларга содиклиги туфайли, индеецлар Бампони турли ижобий маънодаги номлар, яъни стилистик воситалар билан атайди. Ўша номларга Бампо характери, хатти-харакати мос келади. Индеецлар Бампони “ True Tongue ”-“хакикатни сўзловчи”, у ҳеч қачон ёлгон гапирмагани учун шундай атаган.” Dog Ear ” деб аташига сабаб, у яхши овчи бўлган. ”Ит кулок”, яъни итдек тез эшитади, тез пайкайди дегани.

“ Hawk Eye ”- “бургут кўз, кийгир кўз” деб аташга сабаб, узокни кўради, тез кўради, сезгир, яъни бургутдай кўриб ўз ўлжасига эришади, деб мусобокаларда ютиб юрган Бампони шундай аташган.

“ A Long Rifle ” деб ҳам уни номлайдилар, у доим душманга жанга киришда узун милтик олиб юрар экан ва бир галати оёқ кийими ҳам кияр экан, шунинг учун уни ”Leather Stocking”- “Чарм пайпок” деган антонамасияни ҳам Бампога нисбатан ишлатганлар.

Шунингдек, Купер асарларида “Bloody Pond”, “ Open Hand”, “Great and Good Spirit”, ”Great Snake” каби услубий воситалар ишларилган, улар маънолари ҳам асар кахрамони Бампо характерига, харакатига тўғри келади. Мазкур стилистик воситалар ишлатилган матн парчаларига эътибор қаратайлик.:

“See, he said, pointing through the trees toward a spot where a little basin of water reflected the bright stars from its placid bosom, here is the Bloody Pond”.

[III,2,32]

-Хали олис, бунинг устига жуда нобоп йўлдан юришимиз керак. Каранг, - кўшиб кўйди овчи, сатхида юлдузлар акси кимир этмай турган сув хавзасини кўрсатиб, -бу қонли кўл. [III,2,136]

“Конли кўл”, “Конли ховуз” деб “Георги кўли” ни атаганлар. Бир вақтлар мазкур кўл бўйига каттик шидатли жанг бўлиб ўтган, кўп киши ўлган, ховуз ва атрофи кип-кизил кон бўлгани учун уни “Конли кўл” деб атаганлар. “Bloody Pond” усули билан ўгрилганда “Конли ховуз” дейиш керак эди. Бу ерда яхши, силлик сўз бирикмаси чиқиши учун аллитерацияга якин қилиб оғдарганлар, бу эса тўғри бўлиб чиқкан.

“Duncan perceived that even his own powers were spoken lightly of, as the scout extended his palm, and mentioned him by the appellation of the Open Hand, a name his levirality had purchased of all the friendly tribes” [III, 3, 257]

Бу услубий воситани индеецлар харбий киши, Капитан Дункан Хейвардга нисбатан ишлатганлар. “Open Hand” - “кўли очик, сахий киши” дегани. У харбий киши бўлиб, ўз атрофидагиларга хар доим ёрдам қилган, бир култум сув ёки бир бўлак нонини ҳам атрофидагиларга улашади.

Дункан ўзи тўрисида ҳам гап бораётганини фахмлади; разветкачи кўлларини шу томонга чўзиб, “Сахий кўл” деган номни тилга олди-сахийлиги туфайли ва барча дўст қабилалар Дунканга шундай лақаб бергандилар. (3. 202-бет).

“The route taken by Hawk-eye lay across those sandy plains relieved by occasional valleys and swells of land” {III, 2, 163}

“Лочинкўз” танлаган йўл вақти- вақти билан яшил водийлар тепаю адирларга алмашилиб турувчи кумлок паст текисликлардан ўтиб борарди. (ўша китоб, 125-бет) киргий” деб берилган. Таржималарда “лочин”, “бургут” сўзлари билан бериб, тўғри иш қилган.

“Hawk-eye “ сўз бирикмаси “яхши овчи”, узокни кўриб, мўлжалга оладиган киши, ўз мақсадини тўғри англайдиган, чаккон бажарадиган киши образини атайдилар. Бу асар асар бош қахрамони Бампога нисбатан бериб ишлатилган сўзлардир.

“The Hurons are dogs. The sight of a coward’s blood can never make a warrior trample.”

Gray Head and the Sagamore are safe, and rifle of Hawk-eye is not sleep. Yo Uncas and the "Open Hand" are now strangers. It is enough."

“- Гуронлар- кўппаклар. Жангчи конни кўриб чўчимайди. Оксоч билан сагамор сог-саломат, лочин кўзнинг милтиги хам мураб ётгани йўк. Энди боравер! Ункас билан Сахий кўл бир-бирини танимайди. Гап томом.[III,3,154]

“ Gray Head ” серая голова-ок бош, ок соч деб таржима килинса хам бўлади. Кўпрок ”ок соч” кўзда тугилади, лекин калька усули билан таржима килинганда, “ок бош” бўлади. Бу онтономик эпитет Кора ва Алис отасига берилган ном эди. У қари, сочи оқарган киши, мос ишлатилган ва таржима хам тўғри бажарилган. Шунингдек ” Dark Hair“ сочи кора бўлган Корага нисбатан ва “ Red Children “ ни ерли индеецлар ўзларини европаликлардан фарк қилиш учун ишлатганлар. Купер асарларида бундай услубий воситалар кўп учрайди, улар каттарок илмий иш объекти бўла олади, кенгрок, чуқуррок, таҳлил қилишни талаб қилади.

Ўзбек ёшлари хам она тилларида 1971 йилда биринчи марта буюк адибнинг «Чингач-гук улкан илон» романи билан танишдилар.

Романни «Ёш гвардия» нашриёти Эркин Миробидов таржимасида босиб чиқарди. Хар бир халқнинг озодлиги ва мустақиллиги гоёларини инсоннинг табиатга яқинлашиш хамда маданий олам иллатларидан узокрокда юриш йулидаги интилишларини, маънавий покликни қуйлаш романнинг лейтмативини ташкил қилади.

Асарнинг ўзига хос индивидуал услубини бера билиш, олис йиллар руҳини, одам оёғи етмаган ғаройиб ўрмонлар ва кўлларнинг романтик манзараларини автор ва роман қахрамонларининг европача фикрлаш тарзини тўғри акс этириш мутаржимдан кўп меҳнат ва маҳорат талаб қилар эди.[II,44,58]

Заҳматқаш таржимон Э. Миробидов асосан бунинг уддасидан чиққан. Машаққатлар, изланишлар эвазига кўп ўринларда русча матн билан беллаша

оладиган , бўлаётган воқеаларни китобхон кўз ўнгида аниқ гавдалантира оладиган соф манзаралар яратган.

Мана бу парча таржимасига эътибор қилайлик: «...Короче говоря, рука человека еще не уродовала этого дикого пейзажа, купающегося в солнечнь Я лучах этого великолепного лесного величия, лежащегося в июньском благоухании..» [Ш,3,147]

Ўзбекча таржимаси.

«Қисқаси, куёш нурларида чўмилаётган июнь ойининг хуш хавоси ва оромбахш хароратидан лаззат олаётган бу улуғвор ўрмоннинг, тавсифига тил лол қоладиган бу сулув ёввойи манзаранинг ҳуснига инсон қўли доғ тушириб улгурмаган эди ҳали»[Ш.2..25]

Купер ўзининг бош қаҳрамони Сайёдни эзгуликка ошно -қалблар ҳавас қиларли даражадаги шоирона характер билан « такдирланган», У болалардай беозор, ҳаётдаги барча гўзалликларни севади. Беғаразлиги билан жамиятдаги одамлардан ажралиб туради. Бу сайёднинг фикрларида, одамлар билан бўлган мунособатиди, қисқаси, романнынг бошидан охиригача яққол сезилиб туради.

Қаҳрамон характеридаги ана шу хислатлар, ўзбекча таржимада ҳам яхши ифодасини топган.

Мана, оқ танли одам билан қизил танли одамнинг учрашуви. Бу орадаги кичик диалогдан бир олам маънони уқасиз. Иккала қаҳрамоннинг нутқидан уларнинг табиатидаги индивидуал хислатлар ва айни вақтда, автор ва қаҳрамонларни ҳаяжонлантирадиган муҳим маънавий муаммоларнинг айрим қирраларини яққол сезиш мумкин:

«Я знаю, теперь идёт война между твоим и моим народом ,но это ещё не значит, что люди должнь! убивать друг друга ,как дикие звери, встретившиеся в лесу. Ступай своей дорогой, а я пойду моей, земля достаточно обширна для нас обоих, а если мь! встретимся в честном бою, тогда пусть сам бог решает кому жить, а кому умереть [Ш.1.114-115]

Ўзбекча таржимаси:

«Биламан, ҳозир сенинг ва менинг ҳалқим ўртасида уруш кетаяпти, лекин одамлар ўрмонда тўқнашиб қолган йиртқич ҳайвонларга ўхшаб, бир —бировини гирибонидан (гардонидан) олаберади, деган гап эмас бу. Бор, йўлингдан қолма, мен ҳам ўз йўлимга кетай. Ер жуда кенг, иккаламизга ҳам етади, борди-ю, ҳалол жангда рўпара келиб қолгудек бўлсак, кимнинг ҳаёт қолиши, кимнинг умри тугаганини тангрининг ўзи ҳал қилсин, [II,3,114]

Авторнинг таърифлашича романнинг яна бир қаҳрамони — гўзал Жудит Хаттер катъий табиатли, мағрур ва жасур қиз, у ҳар дақиқада хавф таҳдид солиб турувчи ёввойий ўрмонлар ва чангалзорлар ичида яшашдан қўрқмайди. Ўзининг энг ақлли ва жасур одамлар томонидан севилишини хоҳлайди ва шунга кўниккан. Шу билан бирга у нозик ҳис-туйғулар соҳибаси ҳамдир, одамлардаги яхши фазилатларни севади ва баҳолай билади.

«Джудит пышкая и порьшистая девушка... она не привьжла к условностям, которую сдерживают проявление девичьих чувств в цивилизованном кругу... Ее свободные и не принужденые манеры были гораздо выше пошлых ухищрений кокетства или же черствой, бессердечной надменности....

Таржимон ҳам қаҳрамон руҳига оид маъноли сўзларни топа олган.

